

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ
АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**МАГИСТР АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ
ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН**

ДИССЕРТАЦИЯ

ТОШКЕНТ-2019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК 069.63:069.51-051

АШУРОВА ДИЛОРОМ КОМИЛЖОН ҚИЗИ

МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ КЎРГАЗМАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА
КЎРГАЗМА КУРАТОРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАДБИҚ ҚИЛИШ
МАСАЛАЛАРИ

5A150204 –Музейшунослик; тарихий-маданий объектларни консервация
қилиш, таъмирлаш ва сақлаш мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:

доцент Нишанова Камола

Тошкент 2019

Мазкур тадқиқот иши “Музейшунослик” кафедрасида бажарилган.
Ушбу кафедранинг 2019 йил 15.07 даги 10 - сонли
мажлисида ҳамда Санъатшунослик факультетининг 20 19 йил
15.06. даги 11 -сонли факультет кенгашида муҳокама этилган ва
химояга тавсия этилган.

Такризчилар:

Ички такризчи:

К.Бехзод номидаги МРДИ
“Тасвирий санъат тарихи ва
назарияси” кафедраси доценти
с.ф.н. **И.Абдурахмонов**

Ташқи такризчи:

ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи
давлат музейи илмий ходими,
тарих фанлари бўйича PhD
фалсафа доктори **Д. Каримова**

Магистратура бўлими бошлиғи:

Н.Б.Алиева

Музейшунослик кафедраси мудири:

доцент **К.С.Нишанова**

Илмий раҳбари:

доцент **К.С.Нишанова**

Химоя 2019 йил 5 июль соат 9⁴⁰ да Ўзбекистон Бадий ижодкорлар
уюшмасининг анжуманлар зали

Манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй.



МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

“Маҳаллий ва хорижий кўргазмаларни ташкил этишда кўргазма куратори фаолиятини тадбиқ қилиш масалалари” номли магистрлик ишининг долзарблиги, Ўзбекистон бадиий жараёнида кураторлик фаолиятининг асосий стандартлари ҳали ишлаб чиқилмаганлиги, хорижий тажрибалар ўрганилган ўзбек тилидаги манбанинг мавжуд эмаслиги билан баҳоланади. Мақсад кураторлик фаолиятини илмий назарий жиҳатдан ўрганиш ва Ўзбекистон санъатида кураторлик лойиҳаларини тарғиб қилишдан иборатдир. Қуйидагилар илмий иш вазифаси ҳисобланиди: кураторлик тушунчасини ўрганиш, кўргазма турларини таҳлил қилиш, XX асрнинг жаҳонга машхур кураторларининг фаолиятини ўрганиш, маҳаллий ҳамда халқаро миқёсдаги кураторлик лойиҳаларни илмий-назарий таҳлил асосида ўрганиш, жаҳон тажрибасидаги кураторлик фаолиятини Ўзбекистон санъатида тарғиб қилиш, кураторлик фаолияти ҳақидаги зарурий маълумотларни ўзбек тилида тайёрлаш.

Мазкур илмий ишнинг янгилиги Ўзбекистон бадиий жараёнидаги кураторлик лойиҳаларига назарий жиҳатдан ёндашиш ва уларда жаҳон тажрибаларини тадбиқ қилишдир. Хулоса қилиб айтганда, кўргазма кураторлик лойиҳаларини жаҳон тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистондаги кураторлик лойиҳаларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва бунинг натижасида кураторлик лойиҳалари савиясини ошириш.

Илмий раҳбар

Магистратура талабаси



(имзо)
(имзо)

ANNOTATION TO MASTER'S THESIS

"The issues of introducing the curator in the organization of local and international exhibitions" is characterized by the fact that the basic curatorial activity standards have not yet been developed in the artistic process of Uzbekistan and the absence of a learned Uzbek source in foreign experience. The goal is to study theoretical study of curatorial activity and to promote curatorial projects in art of Uzbekistan. Studying the curatorial concept, studying the types of events of the 20th century, studying the activities of world-famous curators of the 20th century, theoretical analysis of curatorial projects of local and international scale, theoretical knowledge of world-class curatorial activities in the art of Uzbekistan, curatorial activities preparation in Uzbek language.


The novelty of this paper is theoretical approach to the curatorial projects in the art of Uzbekistan and the introduction of international experience in them. In conclusion, the development of requirements for curative projects in Uzbekistan using world-class curatorial projects and, as a consequence, raising curatorial projects.

Scientific advisor



(signature)

Master degree student



(signature)

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I. БОБ	КЎРГАЗМА ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР	
I.I.	Кўргазма тушунчаси ва турлари	8
I.II.	Кўргазма ташкил этишга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар	16
II. БОБ	КЎРГАЗМА ЎТКАЗИШ ЖОЙИ ВА КУРАТОРЛИК ФАОЛИЯТИ	
II.I.	Кўргазма ташкил этишдаги бадий макон хусусиятлари	26
II.II.	Замонавий санъатда кураторлик тушунчаси ва фаолияти	31
III. БОБ	КУРАТОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ	
III.I.	Кураторлик тарихи ва XX асрнинг таниқли кураторлари	46
III.II.	Халқаро ва маҳаллий миқёсдаги кураторлик лойиҳалари	56
	ХУЛОСА	
	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	
	ИЛЮСТРАЦИЯЛАР	

КИРИШ

Жамият ҳаёти ўзгариб бораётган, томошабинларнинг талаблари кескин бир-биридан фарқ қилувчи бугунги кунда оддий кўргазмалар билан томошабинларни жалб қилиш жуда мушкул вазифалардан биридир. Жаҳон тажрибасида кўргазмаларни турларга ажратиш, уларни таснифлаш ва таҳлилий жихатдан ўрганиб чиқиш йўлга қўйилган. Бунда кўргазмани ташкил этувчи кураторларнинг ҳам ўз ўринлари мавжуд. Ушбу магистрлик диссертацияси кураторларнинг фаолияти ва тажрибаларини ўрганишга бағишланган.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мавзунинг долзарблик жихатлари шундаки, бугунги кунга қадар кураторлик фаолиятига Ўзбекистон санъатида назарий жихатдан алоҳида эътибор қаратилмаган. Бироқ амалий тажрибаларга эгамиз. Кураторлик лойиҳаси асосида ташкил этилган маҳаллий кўргазмаларнинг мавжудлиги Ўзбекистоннинг бадий жараёни ривожланиб бораётганини кўрсатади. Айниқса, халқаро миқёсдаги ташкил этилувчи, Тошкент Халқаро замонавий санъат биеннаселарида куратор фаолиятини яққол кўрсакда, бироқ, кураторлик фаолияти очиб берилган илмий мақола ёки монографияларни учратмаймиз. Шунингдек, жаҳонга машҳур кураторлар ҳақида ҳам ўзбек тилидаги маълумотлар берилган манбаалар мавжуд эмас. Шулардан келиб чиқиб, диссертациянинг долзарблиги белгиланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот ишининг объекти - замонавий бадий жараёнда кураторлик фаолияти. Тадқиқот ишининг предмети эса, замонавий бадий жараёндаги кураторнинг аҳамияти ва роли.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Мазкур илмий ишнинг мақсади кураторлик фаолиятини назарий жихатдан ўрганиш ҳамда Ўзбекистон санъатида кураторлик лойиҳалари кўнайкилини тарғиб қилишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, илмий ишга қуйидаги вазифалар белгиланган:

- Кураторлик тушунчасини ўрганиш;
- Кўргазма турларини таҳлил қилиш;

- XX асрнинг жаҳонга машхур кураторларининг фаолиятини ўрганиш;
- Маҳаллий ҳамда халқаро микёсдаги кураторлик лойиҳаларни илмий-назарий таҳлил асосида ўрганиш;
- Кўргазмаларни ташкил қилишдаги хорижий ва маҳаллий қонун ва қонун ости ҳужжатларини ўрганиб чиқиш;
- Жаҳон тажрибасидаги кураторлик фаолиятини Ўзбекистон санъатида тарғиб қилиш;
- Кураторлик фаолияти ҳақидаги зарурий маълумотларни ўзбек тилида тайёрлаш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқот ишининг асосий масалаларидан бири амалиётда мавжуд бўлган кураторлик лойиҳаларини ўрганиш, таҳлил этиш ва жаҳон стандартлари тажрибасини амалиётга тадбиқ этиш. Тадқиқот ишининг асосий фаразлари Ўзбекистонда ташкил этилажак кураторлик лойиҳаларини савиясини оширишга асос бўлувчи назарий манбаани яратиш.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). XX асрнинг ўрталарида Александр Дорнер¹ номи билан боглик ҳолда кураторлик тушунчаси пайдо бўлган. Кураторлик фаолиятини ўрганиш санъат тарихининг мустақил бир қисми бўлиб, бугунги кунга қадар жаҳонда турли мақолалар, монографиялар орқали ўрганилиб келинмоқда. Жаҳон адабиётларига назар солинса, асосий манбаани кураторлар билан олиб борилган интервьюларни ўрганиш орқали маълумотларни тўплаш мумкин.

Тарихий маълумотларга тайянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, жаҳон санъатида XX асрнинг 50-60 йилларидан кураторлик институти пайдо бўла бошланган. Бунга ўша даврда олинган интервьюлар асос бўла олади. Дастлаб куратор кўргазмасини ташкил этиш учун ҳомий топиш, жой тайёрлаш каби вазифаларни бажарган бўлса, кейинчалик шаклланиб, мураккаблашиб,

¹ 1920 йил охирида Ганноверадаги Ландесмузеумда Лисицкий билан биргаликда «Абстрактный кабинет» кўргазмаси муаллифи.

вазифалари ортиб борди. Бизнинг санъатимизга яқин ҳисобланган Россия санъатига XX асрнинг 80 йилларидан кураторлик фаолияти кириб келган. Кураторлик фаолиятини ўрганиш турли нуқтаи назарлар билан изланишлар олиб борилган. Биринчидан, кураторликни умумий жиҳатдан ўрганиб, унинг фаолиятини санъат ривожига қўшадиган ҳиссасини, шунингдек, кураторликнинг умумий тушунчалари ўрганилган. Айнан мана шу нуқтаи назар билан Б.М.Бернштейн², К.Б.Соколов³, М.С.Каган⁴, О.А.Кривцун⁵, Пол О'Нил⁶, Терри Смит⁷нинг кураторликка боғлиқ олиб борган тадқиқот ишларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Бадий жараёнда кураторларнинг роли нуқтаи назаридан Т.Е.Шехтер⁸, Р.Мартинес⁹, И.М.Бакштейн¹⁰, В.Мизиано¹¹, Б.Гройс¹², М.Кантор¹³ каби санъатшунос олимлар изланиш олиб боришган.

Шунингдек, илмий тадқиқот ишида кўргазмалар ҳақида ҳам тўлиқ маълумотлар бериб ўтилган бўлиб, унда кўргазма ҳақида умумий маълумот, унинг классификацияси, ташкил этиш тартиби каби масалалар юзасидан О.В.Лысикованинг "Музеи мира" номли ўқув қўлланмасидан фойдаланилган. Э.Б. Гусев, В.А. Прокудин ва А.Г. Салащенколарнинг "Выставочная деятельность в России и за рубежом" асари асосий манба бўлиб хизмат қилди. Унда Россия ҳамда бир қатор Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатларининг кўргазмалари фаолияти, уларни ташкил этиш асослари, меъёрий ҳужжатлар, тартиб-қоидалар, маҳаллий ва хорижий

² Борис Моисеевич Бернштейн Эстония совет санъатшуноси, санъатшунослик фанлари доктори (1993), Эстония Бадий Академии профессори.

³ К.Б.Соколов, Николай Хренов, Ю.В.Осокин, "Введение в социологию искусства".

⁴ "Структура и функции культуры. культура как система" (концепция М.С.Кагана).

⁵ О.А.Кривцун. "Психология искусства".

⁶ Пол О'Нил. "Культура кураторства и кураторство культур(ы)".

⁷ Терри Смит. "Осмысля современное кураторство".

⁸ Т.Е.Шехтер. "Искусство как образ мира: Избранные работы по теории и истории искусства"

⁹ Роза Мартинес, Фулия Эрдемчи, Рене Блок. "Биеннальное движение: Стамбул и новые географические перспективы".

¹⁰ Иосиф Маркович Бакштейн (1945, Москва) — совет ва россия санъатшуноси, бадий танқидчи, куратор ва кураторолог. Замонавий санъат муаммолари интитути директори. Россия "Артхроника" журналининг таниқлилар Топ-50 талигидан доимий жой олган.

¹¹ Виктор Мизано. "Пять лекций о кураторстве".

¹² Борис Гройс. "Утопия и обмен".

¹³ Максим Карлович Кантор — рус рассоми, ёзувчи, санъат тарихчиси.

кўргазмаларнинг бугунги кундаги манзараси ҳақида сўз боради.

Халқаро кўргазмаларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, ташкилий масалалари, халқаро кўргазмалар бюроси, кўргазмада иштирок этаётган моддий бойликларни ҳимоя қилиш муаммолари бўйича маълумотлар Щербина Ольга Евдокимовнанинг "Правовое регулирование международных торгово-промышленных выставок"¹⁴ номли илмий ишидан фойдаланилган. Муаллифнинг мутахассислиги ҳуқуқшунос бўлгани сабабли, мазкур манбадан айнан масаланинг юридик асослари билан ёритиб берилган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ишида назарий-қиёсий, тарихий-қиёсий, таҳлилий, кузатув, суҳбат, моделлаштириш, умумлаштириш каби методикалардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот ишининг назарий аҳамияти шундан иборатки, бугунги кунда Ўзбекистонда “кураторлик лойиҳаси” деб эълон қилиниб ташкил этилаётган кўргазмаларнинг барчасини ҳам кураторлик лойиҳаси деб айта олмаймиз. Кураторлик лойиҳаси талабларига жавоб бермаслигини илмий назарий асослаб беришимиз учун аввало кураторлик лойиҳасини жаҳон стандартлари даражасида назарий жиҳатдан ўрганмоғимиз даркор.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги шундан иборатки, кураторлик фаолияти ҳақида илк маротаба ўзбек тилида таҳлил қилинмоқда. Жаҳоннинг йирик кураторлари фаолияти, уларнинг кураторлик лойиҳалари, Ўзбекистон санъатида кураторларнинг роли ҳақида атрофлича ўрганилиб, тадбиқ этиш учун тавсиялар берилган. Айниқса, Халқаро замонавий санъат биенналелари орқали йирик кураторлик лойиҳаларини кўриш мумкин бўлганлига сабабли, Венеция биеннаlesi¹⁵,

¹⁴Щербина О.Е. Правовое регулирование международных торгово-промышленных выставок. Автореферат. Ленинград-1984. Стр.197.

¹⁵ Венеция биеннаlesi 1895 йил “Халқаро бадиий кўргазма” макomini эгаллаган.

Истанбул биеннаlesi¹⁶, Лион биеннаlesi¹⁷ ҳамда Тошкент Халқаро замонавий санъат биеннаleлари ҳақида кенг қамровда ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти. Тадқиқот натижаси сифатида илгари сурилган маълумотлар, хулоса ва таклифлар келажакда ташкил этиладиган кураторлик лойиҳалари учун манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Мазкур магистрлик илмий иши кириш, 3 боб, 6 фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат.

¹⁶ Халқаро Истанбул биеннаlesi “Замонавий санъат кўргазмаси” ҳисобланиб, 1987 йилдан буён ўтказилиб келинади.

¹⁷ 1980 йил юридик-журналист талабаси Ги Дарменинг замонавий ракс марказининг ташкил этиши гоёси асосида биеннаle ташкил қилинган.

I БОБ. КЎРГАЗМА ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

I.I. Кўргазма тушунчаси ва турлари

Кўргазма аслида - кўриш, томоша қилиш учун макон ва маконда намоишга қўйилган нарсалар бўлиб, инсоннинг моддий ва маънавий фаолияти соҳаларидаги ютуқларни оммавий намоиш этиш воситаси ҳисобланади. “Кўргазмалар ҳудудий, маҳаллий, халқаро ва умумжаҳон аҳамиятга эга бўлган ўзига хос ходисадир”¹⁸. Шунингдек, кўргазмалар мамлакатнинг маданий ҳаётида, унинг халқаро алоқаларини мустаҳкамлашда ҳам муҳим омил саналади.

Музейларда кўргазма тушунчаси "намоиш", "экспозиция" сўзлари билан ёнма-ён қўлланилади. Аммо, музей фаолиятида улар турлича мазмун касб этади. "Намоиш" сўзи Уэбстер лугатига кўра (инглиз тилининг тўлиқ лугати) "кўз ва ақл учун кўринарли қилиб қўйиш" маъносини берса, "кўргазма" эса, "санъат асарларининг намоиши", шунингдек, "экспозиция" тушунчаси "ёйиш, намоишга қўйиш" маъноларини англатади¹⁹. Кўргазмада ҳар бир экспонат ўзининг аввалдан белгиланган жойига танланган усулда ўрнатилади

Кўргазмаларни таснифлаш учун бир қатор иккиламчи хусусиятлар ҳам мавжуд бўлиб, кўргазма мақсадига кўра, сотув ва намоиш учун; вақтдан келиб чиқиб, доимий, мунтазам равишда, бир марталик тадбирлар каби турларга бўлинади. Иштирок этиш, қатнашиш хусусиятига кўра, пуллик ва бепул кўргазмаларга таснифланади.

Мавзуга доир (тематик) кўргазмалар қуйидагича турларга ажратиш мумкин:

- Ижодий;
- Бадий;
- Техник;

¹⁸ www.ziyouz.com кутубхонаси. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси – К ҳарфи.

¹⁹ Управление музеем: практическое руководство. ИКОМ-2004, 91-стр.

- Реклама;
- Илмий;
- Саноат;
- Савдо;
- Таълим;

Алоҳида эътибор кўргазма экспозицияларига қаратилмоғи лозим. Уларни кўплаб сифатларга кўра ажратишимиз мумкин. Бу кўргазма ташкилотчисининг фантазиясига боглиқ. Мисол учун, бундай кўргазмаларни намойиш, ҳисобот, тақдим этиш, танлов, акция, жонли кўргазма ва бошқа шу каби номлар билан номлаб томошабинларни жалб этиши мумкин.

Кўргазма ташкилотчилари ташриф буюрувчиларда товар ва хизмат ҳақида кўплаб таъсуротларни шакллантира олишлари жуда муҳим. Бунда ташриф томошабинлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари, консултатив суҳбатларнинг мавжудлиги кўргазмадан кутилган натижани беришдаги усуллардан биридир.

Бадий кўргазма деб санъат асарлари наъмуналари намойиш этиладиган кўргазмаларга айтилади. Унда тасвирий санъатнинг барча кўринишлари, ҳайкалтарошлиқ, рангтасвир, графика, ҳамда замонавий санъат асарлари томошабинларга намойиш этилади. Бадий кўргазмалар мафкуравий, систематик, эстетик, ва моддий компатентлар тўплами ҳисобланади. Уларни санъат асарларининг турларига кўра йўналишларга, мавзувийлигига²⁰, минтақавийлигига²¹ ажратиб ўрганиб чиқиш мумкин. Буларнинг бари томошабинларни жалб этиш, уларга бугунги кун бадий жараёнини тушунтиришдан иборатдир. Томошабин ҳар қандай бадий кўргазмадан эстетик завқ ола билиши керак.

Музейларда ташкил этилувчи кўргазмалар ўзига хос бўлиб, уни тақдим этишда экспонатларнинг мавзусига, даврига нисбатан ажратиб олиш жуда муҳим. Экспозиция тузилиши эса, музейнинг архитектурасига,

²⁰ Тематик (мавзувийлик) – бир мавзу остида ташкил этилган кўргазмалар.

²¹ Региональный (минтақавий) – кўргазма иштирокчилари маълум бир ҳудуддан иштирок этишлари мумкин бўлган кўргазмалар.

дизайнига, махсус кўргазма майдонига караб жойлаштирилади. Буларнинг бари, томошабинларнинг кўргазмага тақдим этилаётган экспонатлар хақида кўшимча маълумот тариқасида хизмат қилиши керак.

Бадий кўргазмалар гуманитар соҳада ахборотларни етказиш учун энг самарали воситалардан бири саналади. Шу сабабдан у ўз ичига кўплаб соҳаларни камраб олган. Бунинг натижасида, бадий кўргазмалар қуйидагича таснифланади:

- *Шахсий-монографик* – биргина рассомнинг кўргазмаси бўлиб, унда ижодкорнинг ижодий ривожланиш босқичлари акс этган бўлиши лозим.
- *Шахсий-тематик* – биргина рассомнинг муайян бир мавзу юзасидан ишлаган санъат асарлари жамланмаси.
- *Тематик* – ҳар хил ижодкорларнинг биргина мавзу юзасидан яратган бадий асар наъмуналари.
- *Меъморал* – бирор бир ижодкорнинг ўлимидан сўнг унинг хотирасига бағишланган кўргазма.
- *Гуруҳли* – бир нечта рассомларнинг асарлари намоёиш этилган кўргазма.
- *Жуфтлик* – икки ижодкорнинг биргаликдаги ташкил этилган кўргазмаси.
- *Халқаро (минтақавий, миллий)* – турли мамлакатлар рассомлари асарлари намоёиш этилувчи кўргазма.
- *Даврий* – йиллик, ҳар икки йилда бир ўтказилувчи кўргазма. Мисол тариқасида замонавий санъат биеннаlesi.
- *Доимий* – санъат асарлари ўзгартириб турилмайдиган кўргазмалар. Мисол учун, музейлардаги экспозициялар²².

Бадий кўргазмаларнинг турли кўринишларида ривожланиши унинг узок даврдан бери мавжудлигидадир. Илк кўргазмалар антик даврдаёқ ташкиллаштирилган бўлиб, уларда асосан диний ва сиёсий ақидалар илгари

²² Б.С.Витальевич. «Художественная выставка в условиях современной культуры». 2007г.

сурилган. Кўргазмада намоишга қўйилган асарлар ёки давлатнинг сиёсий мафкурасини тарғиб этувчи асарлар, ёки бўлмаса бирор бир зодагоннинг шахсий коллекцияларида тўпланган асарлар жамланмаси бўлган. Кейинчалик давлат музейларининг ташкил этилиши, музейларда намоиш этилган санъат асарлари бадиий кўргазманинг нуфузини янада оширди.

Бадиий кўргазмаларни намоиш этувчи бадиий макон кўргазманинг мувофақиятини белгилаб беради. Шу сабабдан ҳам, бадиий макон хусусида алоҳида аҳамият қаратилиши лозим. 1960 йилда рус график rassomi Борис Александрович Успенский²³ маконни уч ўлчамлилиги, макон томошабинларга худди реал атмосферани бера олиши лозимлиги ҳақидаги фикрларини билдирган. Рассом ўзининг асарида перспективани ярата олгани каби, бадиий маконда ҳам реал маконни ҳис этиш имкониятларини берувчи воситалардан фойдаланилмоғи лозим.

Успенскийнинг олиб борган тадқиқотларига кўра, бутун борлиқ ўзини чегаралаб турувчи “рамка” сига эга эканлигини айтиб ўтади. Ана шу рамкадаги тасвирни рассом матога туширади, ва яна унга рамка қоплайди. Баъзи бир тортилган рамкалар асарда перспектива ҳосил қилса, айримлари асарни кесиб қўяда. Рус rassomi, замонавий санъат асарлари ижодкори М.Шапиرو²⁴ ҳам айнан шу мавзуда тўхталиб, “рамка концепцияси” тушунчасини билдирган. Унга кўра, рамка томошабин ва асар орасидаги мувозанатни белгилаши, асарнинг қай тарзда кўриниши рамкага ҳам боғлиқлигини тушунтирган. Шунингдек замонавий санъат асарлари абстракт тасвирларнинг айримлари рамкага солинмаслиги унинг борлиқ билан уйғунлашиб кетиши тариқасида изоҳлаган.

Бу каби фикрлардан келиб чиқадики, бадиий майдон ва асарнинг томошабинга тақдим этилиш усули жуда муҳим ўринни эгаллайди. Яъни кўргазма бадиий майдони ҳам объектнинг бир қисми ҳисобланади. Кўргазма

²³ Борис Александрович Успенский совет ва россия график rassomi, плакатлар устаси, Россия Бадиий Академияси аъзоси.

²⁴ Михаил Матвеевич Шапино яҳудий совет rassomi. XIX-XX асрда таникли бўлган Клод Моне, Пикассо, Салвадор Дали ва бошқаларнинг портретларини яратган.

маконига ундаги жихозлар, санъат асарларининг жойлашуви, томошабин ўзини кўргазма мухотида таъсавур қилиши учун зарурий воситалар киради.

Кўргазма майдонини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ён томондан кўриниш (профильные) – бунга кўргазма учун махсус лойиха асосида тайёрланган ва узок муддатга мўлжалланган кўргазма майдони;
2. Тасодифий – бундай кўргазма майдонларига очик майдонда ўтказилган кўргазмалар мисол бўла олади.

Барча турдаги кўргазмаларда марказий нуқтани белгиланиши, кўргазма майдони чегараланиб қўйилиши кўргазманинг таъсир кучини оширади. Очик майдонларда ташкиллаштириладиган кўргазмаларда ҳам бу муҳим. Айримларида жонли табиатнинг бир қисми кўргазма майдонини чегаралаб бериш вазифасини бажаради. Бунини лойиҳалаш эса, кўргазма ташкилотчиси бўлган кураторнинг мантикий ва фикрлаш даражасининг кенглигига боглиқ.

Кўргазма қатнашчилари таркибига кўра: жаҳон, халқаро, миллий, минтақавий ва бошқаларга бўлинади.

Бундан ташқари, кўргазмаларни, экспонатлар таркибига кўра: тематик кўргазмалар (бир мавзуга багишланган); фонд кўргазмалари (томошабинни узок вақтлардан бери фондда сақланаётган нотаниш асарлар билан таништиришга қаратилган); ҳисобот кўргазмаси (реставрация жараёнининг тугатилиши, фондни комплекшлаш натижаларини, янги келиб тушган экспонатларни оммага таништиришни назарда тутувчи) турларга ҳам ажратилади²⁵.

1928 йилги Париж конвенцияси²⁶ халқаро кўргазмаларни умумий ва ихтисослик турларга ажратади. Умумий кўргазмалар:

- I категория, аъзо мамлакатлар бепул ажратилган ер участкасига

²⁵ Галкина Т.В. Музееведение: основы создания экспозиции. - Томск, 2004, 6-стр.

²⁶ Парижская Конвенция 1928 года о международных выставках. ЮНЕСКО.// Конвенция о международных выставках. Собрание законов и распоряжений рабоче-крестьянского правительства СССР, отд. 2, 1936, № 16.-151// Протокол, вносящий изменения в Конвенцию о международных выставках, подписанную в Париже 22 ноября 1928 г., от 30 ноября 1972 г

миллий павильонларини қуришлари керак бўлган;

- II категория, аъзо мамлакатларга миллий павильон қуришга руҳсат берилмайдиган турларга бўлинади.

1-категориядаги умумий кўргазмаларни бир давлат 15 йилда бир марта ўтказиш ҳуқуқига эга. Бир давлатда ўтказиладиган икки хил категориядаги умумий кўргазмалар оралиги 10 йилдан кам бўлмаслиги лозим. Турли мамлакатларда ўтказиладиган турли категория умумий кўргазмалари қуйидагича даврлаштирилади:

а) 1-категория умумий кўргазмалари 6 йилда бир марта;

б) бир хил характердаги умумий кўргазмалар 4 йилда бир марта;

в) 1- ва 2- категория умумий кўргазмалари 2 йилда бир марта ташкил этилиши мумкин. Бир хил характерга эга бўлган ихтисослик кўргазмалари бир вақтнинг ўзида икки аъзо мамлакатда ўтказилиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда Халқаро кўргазмалар бюросининг руҳсати билан 5 йиллик оралик 3 йилга қисқартирилиши мумкин. Масалан, Миландаги Халқаро амалий безак санъати кўргазмаси ҳар 3 йилда ташкил этилади. Турли характердаги ихтисослик кўргазмалари бир мамлакатда уч йил ораликда ўтказилиши мумкин²⁷.

Бугунги кунда кўргазма тушунчаси кенг қамровли бўлиб, фақатгина музей ёки галереяларда ташкиллаштириладиган кўргазмалар назарда тутилмайди. Кўргазма ташкил этиш, аслида маркетингнинг асосий тарақиётга етакловчи йўналиши ҳисобланиб, у орқали реклама қилиш, яхшигина фойдали битмлар тузиш мумкин.

Кўргазманинг хусусиятларига кўра, уни турларга ажратиб таснифлаш ўринлидир. Бунда кўргазманинг экспозициялари ҳақида тўлиқ маълумотлар ўрганиб чиқилиши лозим.

Саноат нуқтаи назаридан:

²⁷ Гусев Э.Б., Прокудин В.А., Салашенко А.Г. Выставочная деятельность в России и за рубежом. Учебно-методическое пособие. М.: "Дашков и К" - 2004. (электронная версия).

- Саноатнинг биргина турини ишлаб чиқариш бўйича ташкиллаштирилган кўргазмалар; (Бундай кўргазмалар фақат мутахассислар учун мўлжалланган бўлади).

- Саноатнинг турли йўналишларидаги, ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари учун мўлжалланган кўргазмалар.

Кўргазманинг ҳудудий хусусиятларига кўра:

- Миитакавий (бир мамлакатнинг турли ҳудудларига ташкиллаштириладиган кўргазмалар);

- Халқаро (кўргазма иштирокчилари ўзларининг кенг қўламдаги маҳсулотларидан тортиб инновацион технологияларга қадар, кўплаб мамлакатлардан иштирок этишади);

- Миллий (бир мамлакатнинг иқтисодиёти ёки муайян фаолияти турига ихтисослашган кўргазмаси);

Кўргазманинг мақсади нуқтаи назаридан:

- Бирор бир компаниянинг имиджини қўллаб-қувватлаш учун ташкиллаштирилган кўргазмалар. (бунда компаниянинг доимий мижозлари ва ҳамкорлари учун мўлжалланган бўлиб, компаниянинг нуфузини ошириш кўзда тутилади);

- Синов учун ташкиллаштирилган кўргазмалар. (истеъмолчининг товарга бўлган талабини ўрганишга мўлжалланган кўргазма бўлиб, бу кенг жамоатчилик учун намойиш этилади);

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, кўргазма ташкил қилиш фаолияти яққол кўрсатиб берувчи восита мавжуд эмас. Музей кўргазмаси санъатида эса ечилмаган ва ҳатто баҳсли муаммолар ҳали жуда кўп. Назарий жиҳатдан музей қиёфасини яратиш воситалари, музейнинг томошабоплик хусусияти, кўргазмаларнинг жанр хусусиятлари ёки санъатда “жанр қонунлари” деб аталган нарсалар етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бадиий лойиҳалаш методикаси кўплаб масалаларни ҳар тарафлама фикрлаш ва умумлаштиришни талаб этади. Шу боис, умуман, музей иши каби музей кўргазмаси санъати ижодий тажрибага

мухтож, шу орқали у қолиплар ва бирхилликлардан ҳимоя қилиниши мумкин.

Омма эътиборига ҳавола қилинаётган экспонатларнинг намоиши канчалик муҳим бўлса, уни намоишга тайёрлаш жараёнини тўғри ташкиллаштириш ҳам шу қадар долзарбдир. Мунтазам ташкил этиб бориладиган кўргазмалар катъий белгиланган конун-қоидаларга асосан яратилганда унинг камчилик ва ютуқлари олдиндан маълум бўлади ва уларни мукаммаллаштиришнинг имкони мавжуд бўлади. Кўр-кўрона тартибсиз ташкиллаштирилган ишнинг самараси эса кутилган натижани бермаслиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабдан ҳам, катта тажрибага эга бўлган хорижий мамлакатлар ҳокимияти музейларнинг кўргазма фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратган. Акс ҳолда эса, йирик музейлар ўз фаолиятини такомиллаштириш мақсадида шу турдаги нормаларни индивидуал ишлаб чиққанлар. Ҳар икки ҳолатда ҳам кўргазма ташкилий ишлари билан боғлиқ муаммолар ўзининг аниқ ечимига эга бўлади ва ходимлар учун доимий дастурил амал вазифасини бажаради.

I. II. Кўргазма ташкил этишга оид халқаро ҳуқукий ҳужжатлар

Дастлабки содда шаклдаги кўргазмалар мил.ав. II—I асрларда Бобил, Финикия, Миср, Юнонистон, Рим каби давлатларда айрим диний, халқ байрамларида ўтказилган. Ҳозирги мазмундаги кўргазма биринчи бор Европада XVI аср охирида пайдо бўлган. Замонавий кўргазмаларнинг дастлабки шакллари эса XVIII асрда Европада пайдо бўлиб, улар асосан санъат асарларини киборлар доираси учун намойиш қилган. Уларнинг асосий мақсади маданий бойликлар орқали қирол ҳокимияти обрўсини кўз-кўз қилиш бўлган. Кейинчалик санъат асарлари каторида саноат маҳсулотлари ҳам намойиш этила бошланган. XVIII асрнинг 60-йилларидан бошлаб йирик умуммиллий савдо-саноат кўргазмалари вужудга келди. Шундай кўргазмалар Лондон (1761, 1767), Мюнхен (1788), Петербург (1829)да уюштирилди. Кўргазмаларда савдо битимлари тузилар, иқтисодий алоқалар йўлга қўйилар эди. Масалан, 1791 йил Лондонда қишлоқ хўжалиги машиналари намойиши бўлиб ўтган. Париж, Дрезден, Берлин, Мюнхенда эса анъанавий тарзда чинни, гобелен, шойи, атир-упа каби бадавлат хонадонлар учун ишлаб чиқарилган мануфактура маҳсулотлари намойиши ўтказиб турилган²⁸.

Мануфактура тизимидан машиналашган ишлаб чиқариш тизимига ҳамда умуммиллий бозор муносабатларига ўтиш давларида кўргазмаларнинг аҳамияти, айниқса катта бўлди. Уларда техника соҳасидаги янгиликлар ҳам намойиш этила бошланди. XIX аср 2-ярмидан бошлаб халқаро саноат кўргазмалари муносабати билан махсус павильон ва иншоотлар қурила бошланди. Уларнинг ўзи ҳам кўргазмалар ўтказиш жараёнида экспонат вазифасини ўтайдиган бўлди (Лондондаги Биллур сарой, Париждаги «Машиналар галереяси», 1889й. ва бошқалар). Кейинчалик павильон, экспонатлар жойлаштирилган майдонлар сув ҳавзалари, фаввора, гулзор, кўкаламзорлаштирилган атроф-муҳит билан уйғунлашган меъморлик мажмуасига айлантирилди. Халқаро кўргазмалар павильонлари меъморлиги ҳар бир мамлакат экспозициясининг гоёвий мазмунини очишга хизмат

²⁸ Лыскова О. В. Музеи мира. Учебное пособие. М.: Флинта, 2002, стр-12.

қилиши керак бўлади.

Манбаларни ўрганиш натижасида халқаро савдо эркинлигини тарғиб этиш мақсадларида биринчи халқаро саноат кўрғазмаси (биринчи Умумжаҳон кўрғазма) Лондонда 1851 йилда ташкил этилгани аниқланди. Сўнгра эстафетани Франция ўз қўлига олган ҳолда 1855, 1867, 1878, 1889, 1900 ва 1937- йилларда жаҳон ҳамжамиятини лол қолдирувчи кўрғазмалар уюштиради. Булардан ўрнатилган ҳолда бошқа Европа мамлакатлари ҳам қатор ЭКСПО кўрғазмалар ташкил этадилар. Масалан, Вена (Австрия, 1873 й.), Барселона (Испания, 1888 й.), Брюссель (Бельгия, 1897 й.), Сент-Луис (АҚШ, 1904 й.). Умумий сарҳисобга кўра, 1851 йилдан 1958 йилга қадар эса мамлакатларнинг иқтисодиёт, фан, техника, маданият, санъат соҳаларидаги ютуқлари намойиш этилган 36 та универсал жаҳон кўрғазмалари ўтказилди: Нью-Йорк (1853, 1939), Париж (1855, 1867, 1878, 1889, 1890, 1900, 1937), Лондон (1862, 1886, 1908), Вена (1883), Филадельфия (1876, 1926), Сидней (1879), Мельбурн (1880), Чикаго (1893, 1933, 1934), Брюссель (1897, 1910, 1935, 1958), Буффало (1901), Глазго (1901), Сент-Луис (1907), Льеж (1915), Гётеборг (1923), Уэмбли (1924/ 25), Барселона (1926), Антверпен (1930), Порт-о-Пренс (1948)²⁹.

Юқорида қайд этилган кўрғазмалар концептуал ечими, мақсад ва вазифалари, эркин лойиҳаларига кўра ўзининг бетакрорлиги билан бири-биридан фарқланса-да, бу жараёни ташкил этиш, иштирокчилар ва ташкилотчи ўртасида юзага келувчи турли муносабатларни тартибга солувчи ягона қоидаларнинг мавжуд эмаслиги томонидан оқсарди. Бу борада мунтазам дуч келинадиган муаммоли вазиятлар ва турли саволларга ечим топиш учун барча халқаро кўрғазмаларни ташкил этиш учун мукаммал дастур ишлаб чиқиш гоёсини биринчи бўлиб 1907-йилда Франция илгари суради. 1912-йилда Германия барча манфаатдор мамлакатлар вакиллари Берлинда тўпланиб масалани ҳал этиши ташаббуси билан чиқади. Ушбу конференцияда иштирок этган мамлакатлар халқаро кўрғазмаларни ташкил

²⁹ С.И.Алесева. «Выставочная деятельность Ремесленного училища Николая».

этиш жараёнини тартибга солиш мақсадида ягона норматив ҳужжатни ишлаб чиқишга келишиб оладилар. Унинг қабул қилинишига Биринчи жаҳон урушининг бошланиши нукта қўйди.

Иккинчи уриниш 1920-йилда амалга оширилди. Тайёргарлик жараёнига узоқ вақт сарфланди, ниҳоят 1928-йилда Парижда умумжаҳон халқаро ЭКСПО кўргазмаларни тартибга солувчи қоидалар ишлаб чиқиш ва уни имзолаш учун янги конференция иш бошлади. 1928 йил 22 ноябрь куни 31 мамлакат иштирокида тузилган янги норматив ҳужжат - Париж конвенцияси имзоланди. Унда асосий эътибор ЭКСПО кўргазмаларга қаратилган бўлса-да, бугунги кунга қадар халқаро кўргазмаларни ташкилий жараёнини тартибга солишда ягона умумэътироф этилган меъёрий ҳужжат сифатида амал қилиниб келинмоқда. Мазкур конвенциянинг ижросини таъминлаш, халқаро кўргазмалар фаолиятини тартибга солиш ва шу соҳага доир муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Халқаро кўргазмалар Бюроси (ХКБ) ташкил этилган. Мазкур бюро таркибига Конвенцияга аъзо мамлакатларнинг масъул вакиллари киритилган бўлиб, у халқаро кўргазма ишини бошқарувчи ягона ташкилот саналади.

ХКБнинг таркибий тузилиши ички регламент асосида ташкил этилади. Унинг юқори органи сифатида Ижроия қўмитаси кўрсатилади. Қўмита 12 нафар иштирокчи мамлакат вакилларида тузилиб, улар ўзаро келишув асосида Халқаро савдо палатасининг яна уч нафар аъзосини қўмита таркибига қўшишлари мумкин. Қўмита бир йилда икки марта йиғилиш ўтказади. Мазкур сессия мажлисларида ХКБнинг фаолияти, структураси, бюджет ҳисоботи қаби масалалар кўриб чиқилади. Шунингдек, халқаро кўргазма ўтказиш ҳақида топширилган аризалар муҳокамага қўйилиб, кўпчилиكنинг овози билан тасдиқдан ўтади.

Ижроия қўмитаси қуйидаги тартибда фаолият олиб боради:

- Қоидалар ишлаб чиқиш қўмитаси;
- Маъмурий-бюджет қўмитаси (6 нафар аъзо);
- Ахборот қўмитаси (6 нафар аъзо).

1969 йилда халқаро танлов асосида халқаро кўргазмалар эмблемаси ишлаб чиқилди. Япон рассоми Масанори Матцусима яратган эмблемада кўк рангли айлана ва унинг ичида юқорига йўналган горизонтал оқ чизиклар тасвирланган. ХКБ рўйхатидан ўтган ҳар бир кўргазма ташкилотчиси бўлган мамлакат ушбу кўргазма давомида мазкур эмблема туширилган байроқларни осиб қўйиши шарт. Бугунги кунда ХКБга 160дан ортиқ мамлакат аъзо бўлган³⁰.

Кўргазмаларни ташкил этишнинг молиявий томонларини ҳам ўрганиш, уларда божхона муаммоларини ҳал этишни енгиллаштирувчи меъёрий ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш халқаро миқёсдаги кўргазмаларни ташкил этувчи кураторларга жуда муҳим.

Кўргазмада намойиш этиш мақсадида бошқа мамлакатга олиб кетилаётган экспонатларни божхонадан олиб ўтиш масаласини соддалаштириш ва бу соҳада умумий қоидаларни жорий этиш халқаро кўргазма ташкилотчиларининг асосий муаммоларидан бирига айланган пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодиёт қўмитаси ва Европа Божхона Иттифоқининг ташаббуси билан 1961 йил 8 июнь куни Брюсселда Божхона конвенцияси³¹ қабул қилинди ва у 1963 йил 30 июлдан кучга кирди. Мазкур конвенция кўргазма, ярмарка ва бошқа маданий-маърифий тадбирларда намойиш этишга мўлжалланган товарларни ташишнинг имтиёзли режимини кўзда тутди. Бу турдаги товарларга нафақат экспонатлар балки, уларни монтаж қилиш асбоб-ускуналари, реклама воситалари бўлмиш нашрлар ҳам киритилади. Ҳозирда ушбу конвенцияга қирқдан ортиқ мамлакат аъзо бўлган. Брюссел Божхона конвенцияси имтиёзли ташиш ҳуқуқини берувчи А.Т.А.карнетини ишлаб чиқади³².

А.Т.А. карнети - вақтинча олиб чиқиш бўйича божхона декларацияси

³⁰ Гусев Э.Б., Прокудин В.А., Салашенко А.Г. Выставочная деятельность в России и за рубежом. Учебно-методическое пособие. М.: "Дашков и К" - 2004. (электронная версия).

³¹ Гусев Э.Б., Прокудин В.А., Салашенко А.Г. Выставочная деятельность в России и за рубежом. Учебно-методическое пособие. М.: "Дашков и К" - 2004. (электронная версия).

³² Гусев Э.Б., Прокудин В.А., Салашенко А.Г. Выставочная деятельность в России и за рубежом. Учебно-методическое пособие. М.: "Дашков и К" - 2004. (электронная версия).

ўрнида қўлланилувчи халқаро ҳужжат бўлиб, чегарадан имтиёзли тарзда тўловлар ва ортиқча расмийчиликларсиз олиб ўтишни таъминлайди³³. Айниқса, халқаро кўргазмада намоиш этиш учун олиб кетилаётган моддий-маданий бойликлар, музей экспонатларини ташишда қулай восита ҳисобланади. Бу режимни бюджет ташкилоти бўлмиш музей ва галереялар фаолиятига тадбиқ этилиши уларнинг ташқи алоқаларини мустаҳкамлаш борасида қатор енгилликлар тугдириши таҳсинга лойиқ.

А.Т.А. карнети бўйича экспонатларни халқаро кўргазмада намоиш этишга олиб кетиш фақат шу конвенцияни ратификация қилган мамлакатлар (1997-йилги маълумотлар³⁴ бўйича 57 мамлакат) учун амал қилади. Шу сабабдан ҳам барча қулайликлардан фойдаланишни афзал кўрган мамлакатлар унга аъзо бўлган. Масалан, Россия Федерацияси 1996 йил 18 июль кuni ушбу конвенцияга аъзо бўлади ва унга асосан ўзининг руҳсатномаларни расмийлаштириш ва карнет бериш тартиби ҳақидаги Низом³⁵ини ишлаб чиққан. Россия федерациясида мазкур руҳсатномани мамлакатнинг Савдо-саноат палатаси расмийлаштириши белгиланган. Карнет юридик шахслар билан бир қаторда жисмоний шахсларга ҳам берилиши мумкин. Бунинг учун Савдо-саноат палатасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

-Савдо-саноат палатасининг Ҳуқуқ департаментига А.Т.А. карнетини сўраб ёзилган ариза;

-Аризачининг ҳуқуқий статусини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари (нотариал тасдиқланган устав нусхаси, рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ва х.к.)

-РЕСО-ГАРАНТИЯ сугурта жамиятининг сугурта полниси ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжат;

-Товарларни олиб кетишга асос бўлган ҳужжатларнинг нусхаси

³³ www.ackre.ru

³⁴ Гусев Э.Б., Прокудин В.А., Салашенко А.Г. Выставочная деятельность в России и за рубежом. Учебно-методическое пособие. М.: "Дашков и К" - 2004. (электронная версия).

³⁵ Положением ТПП России о порядке оформления, удостоверения и выдачи карнетов АТА от 18 марта 1999г.

(кўргазмага таклифнома ёки шартнома ва х.к.)

- Товарларнинг ҳақиқий баҳосини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- Олиб кетилаётган товарларнинг рўйхати (шу кетма-кетликда бу рўйхат карнетнинг муковасининг орқа томонига рус ва инглиз тилларида ёзилади);
- Сугурта пулини тўлаганлик ҳақидаги квитанциянинг нусҳаси;
- А.Т.А карнетини олиш учун РФ Савдо-саноат палатасига давлат божини тўлаганлик ҳақидаги квитанция.

Халқаро кўргазмалар ўтказиш бўйича энг ривожланган мамлакат сифатида Германия эътироф этилади. Ушбу фаолият юзасидан пайдо бўладиган ҳар қандай талабга жавоб берувчи юқори даражадаги хизматни кўрсата олувчи Германия бежиз "кўргазмалар мамлакати"³⁶ номини олмаган. Ҳар йили Германия ҳукумати кўргазмалар фаолияти учун 150 миллион атрофида немис маркаси ажратади. Бир йилда 110-115 тагача ихтисослашган ёки кўптармоқли кўргазмалар ташкил этиладиган Германия давлати бу соҳада анча илгарилаб бормокда. Бу ерда деярли қирқ йилдан бери кўргазма ва ярмаркалар тўғрисидаги статистик маълумотларни ихтиёрий назорат қилиш жамияти (FKM) фаолият юритиб келмокда. Ҳар йили 85% кўргазма мазкур жамиятнинг назорати остида ўтказилади. Ҳар бир кўргазма учун кўргазма залларининг тўлиқ хизматлар пакети жорий этилган. Энг кўп кўргазма ташкил қилувчи шаҳарлар сифатида Германиянинг Ганновер ва Кельн шаҳарлари тан олинади.

Европада кўргазма ва савдо ярмаркаларини ўтказиш давлат томонидан назорат қилинади ва шу билан бирга қўллаб-қувватланади. Кўргазма фаолияти устидан давлат назоратини қатъи олиб борувчи мамлакатлар сирасига биз Германия, Италия, Франция ва Испанияни киритишимиз мумкин.

Германияда кўргазмалар фаолияти билан асосан акционерлик жамиятлари шугулланадилар. Асосий акционерлар ер эгалари ва шаҳар

³⁶ Гусев Э.Б., Прокудин В.А., Салашенко А.Г. Выставочная деятельность в России и за рубежом. Учебно-методическое пособие. М.: "Дашков и К" - 2004. (электронная версия).

маъмурияти ҳисобланади.

Италияда эса кўргазмалар бошқаруви вилоят ва марказ маъмуриятлари ўртасида тақсимланган. Вилоят ҳокимлиги кўргазмаларни ўтказишга рухсатнома берса, марказ ҳокимияти уларнинг сифати ва ҳисоботини текширади. Одатда Италияда кўргазмаларнинг маъмурий тизими мустақил орган ҳисобланади.

1994 йил Италия президентининг Декрети билан кўргазма ва ярмаркалар фаолиятини соддалаштириш тўғрисида регламент тасдиқланган.

Францияда эса Париж ва Лиондаги етакчи кўргазма марказларини давлат ўз тасарруфида сақлайди. Улар фаолиятини тартибга солувчи кўплаб қатъий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар кўргазма фаолиятини тартибга солиш билан бирга уларни ташкиллаштиришни ўта мураккаб жараёнга айлантириб юборади.

Испанияда асосий кўргазма марказлари Мадрид ва Барселона бўлиб, уларнинг фаолияти давлат томонидан назорат остига олинган. Испанияда "Автоном Мадрид ҳудудида кўргазма фаолиятини тартибга солиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун ҳудудий маъмурият томонидан барча кўргазмаларни ташкиллаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш ва назорат қилишни кўзда тутди.

Буюк Британияда эса, кўргазмалар устидан назорат бу қадар кучли ўрнатилмаган. Бу мамлакатда савдо ярмаркалари ва кўргазмалар юзасидан ишлаб чиқилган норматив ҳужжатлар деярли мавжуд эмас. Ҳокимият асосий кўргазма тузилмаси - яъни, Бирмингем Миллий кўргазма марказинигина тасарруф қилади.

АҚШда кўргазмалар фаолиятини тартибга солиш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Қўшма Штатларнинг халқаро кўргазмада иштирок этиши тўғрисидаги қонун, АҚШ ҳудудида ташкил этилган халқаро кўргазмада АҚШнинг иштироки масалалари тўғрисидаги низом, Савдо ярмаркалари тўғрисидаги қонун ва бошқалар шу соҳадаги муносабатларни бошқаришга қаратилган.

1990-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Европада ҳар бир конгресс ва анжуман билан бир вақтда унинг мазмунига доир кўргазма ҳам ўтказиш урфга айланади. Деярли барча кўргазма доирасида ушбу тармок мутахассислари учун конференция ва семинарлар ташкил этила бошланади³⁷.

Тадқиқотда аниқланишича, 1958 йилдан бошлаб Умумжаҳон кўргазмалар «ЭКСПО» номини олди. Брюсселда ўтказилган «ЭКСПО—58»да 52 та мамлакат қатнашиб, энг янги маркадаги автомобиллар, электрон ускуналар, автоматик линиялар макетлари, рангли телевизорлар, хотира машинаси каби ихтиролар намоиш этилди. 1970 йилда биринчи бор «ЭКСПО» кўргазма Осиёда — Осака (Япония) шаҳрида «Инсоният учун таракқиёт ва уйғунлик» шиори остида ўтказилган. Унда 76 та мамлакат қатнашиб, ташриф буюрувчилар сони 64,2 млн. кишига етган. 70-йиллардан ихтисослаштирилган «ЭКСПО»лар ҳам уюштирила бошланди. «ЭКСПО-74» Спокана шаҳрида (АҚШ) атроф муҳит муаммоларига, «ЭКСПО-75» Окивана шаҳрида (Япония) Жаҳон океани муаммоларига бағишланди. «ЭКСПО-2000» умумжаҳон кўргазмаси 2000 йил Ганноверда «Инсон—Табиат—Техника» шиори остида ўтди. Мазкур кўргазмада 173 та мамлакат, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам қатнашди. Фан ва техниканинг янада ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва ихтисослашиб бориши шароитида халқаро ихтисослашган савдо кўргазмаларининг аҳамияти ҳам ортиб борди ва улар XX асрда умумтармок кўргазмалари ўрнини эгаллай бошлади.

Умуммиллий кўргазмалар ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва жаҳондаги кўпгина мамлакатларда мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Миллий кўргазмалар чет элларда мамлакатлар ўртасидаги келишувга кўра ташкил этилади. Айрим миллий кўргазмалар савдо кўргазмалари кўринишида (масалан, АҚШнинг Лондон, Милан, Париж, Токио ва бошқа шаҳарлардаги савдо марказлари) намоиш заллари

³⁷ Гусев Э.Б., Прокудин В.А., Салашенко А.Г. Выставочная деятельность в России и за рубежом. Учебно-методическое пособие. М.: "Дашков и К" - 2004. (электронная версия).

кўринишида ташкил этилади.

Ҳозирги халқаро кўргазмаларнинг кўпчилиги ихтисослашган ҳисобланади. Ўз мақсадлари, иштирок шартлари ва экспонентларга бериладиган ҳуқуқларига кўра, улар халқаро ярмаркаларга яқин туради. Бундай кўргазмалар турлича номланади (масалан, Францияда — салонлар ва ярмаркалар; Италияда — салонлар, кўргазма ва ярмаркалар; ГФРда ярмаркалар ва кўргазмалар).

Туркистон ўлкасида ташкил этилган кўргазмаларнинг ҳам ўз тарихи бор. Бу ўлкадаги дастлабки кўргазмаларда ҳунармандчилик ва деҳқончилик маҳсулотлари намойиш этилган. Амир Темур даврида ўзига хос савдо кўргазмалари ташкил этилган. Самарқанднинг Кониғил майдонида 400 тача савдо павильони (дўкони) бўлиб, уларда ҳунармандларнинг турли маҳсулотлари, рўзгор буюмлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилган. Туркистон Россияга қўшиб олингач, ҳунармандчилик ва деҳқончилик кўргазмалари бир неча марта ташкил этилган. Тошкент шаҳрида биринчи марта маҳсус саноат ва қишлоқ хўжалиги кўргазмаси 1870 йилнинг ёзида уюштирилган. Шу йили қосиблар санъати билан таништириш мақсадида Туркистон ўлка манафактура кўргазмаси очилди. Тошкент қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий саноат кўргазмаси (1878), Туркистон ўлка ҳунармандлик ва саноат кўргазмаси (1886), Туркистон ўлка қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари кўргазмаси (1890) айрим маҳаллий ютуқларни оммалаштиришда маълум даражада роль ўйнайди. Самарқанд (1893), Тошкент (1894) кўргазмалари экспонатлари жиҳатидан универсал бўлган. 1900 йилги Самарқанд кўргазмаси ипакчилик ва асаларичиликка бағишланган эди. Кейинги ўтказилган йирик кўргазмаларнинг сўнггиси 1909 йил 10 сентябрдан 15 октябргача давом этган Туркистон ўлка кўргазмаси бўлди. У Тошкент шаҳрининг ҳозирги Амир Темур хиёбонида ташкил қилиниб, унда қишлоқ хўжалиги ва маҳаллий саноат маҳсулотлари намойиш этилди ва унинг натижасида «Кўргазма ахборотномаси» газетаси - маҳсус йўл кўрсаткич босиб чиқарилди (газетанинг жами 17 та сони чиққан).

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб республикада маҳаллий кўргазмалар ўтказилди. 1964 йил октябрда Тошкент шаҳрида 60 гектар майдонни эгаллаган, доимий ишлайдиган Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси очилди. Ўзбекистон собиқ Иттифок қатнашган Париж (1939), Нью-Йорк (1939), Брюссель (1958), Монреаль (1967), Осака (1970) шаҳарларидаги жаҳон кўргазмаларида Иттифок таркибидаги республика сифатида қатнашган. Шунда ҳам Ўзбекистонда чиқарилган товарлар, маҳсулотлар ўзбек халқининг анъанавий касбкорлари юқори баҳо олган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, кўргазмалар ташкил қилишга алоҳида эътибор берилди бошланди. Ўзбекистоннинг бош кўргазмаси — «Ўзэкспомарказ» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, собиқ Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси асосида 1992 йилда ташкил этилди³⁸.

Хулоса: Ушбу боб орқали, кўргазма турлари, халқаро кўргазмаларнинг келиб чиқиши ҳамда унга тегишли бўлган зарурий норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида кўриб чиқилди. Кўргазма ташкил этувчи кураторларнинг фаолиятини ўрганишдан аввал кўргазма тушунчаси ва турлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда кўргазмаларни ташкил этиш сабаблари, унга бўлган талабнинг ортиши, кўргазма ташкил этишнинг жаҳон стандартлари борасида маълумотлар ушбу бобда бериб ўтилди. Кўргазмалар тарихи ҳамда уларни тартибга солувчи халқаро ҳужжатлар ҳақида ўрганишдан асосий мақсад, халқаро миқёсдаги ташкиллаштириладиган турли биенналеларнинг қандай қонун-ҳужжатлар асосида олиб борилишини ўрганиш, кураторларнинг билишлари зарур бўлган ҳужжатлар билан танишишдир. Шунингдек, Ўзбекистонда санъат асарларини олиб кириш ва олиб чиқиш тўғрисидаги божхонага оид ҳужжатларни билиш ҳам кураторлар учун асосий вазифалардан бири эканини инобатга олган ҳолда, ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганиб чиқилди.

³⁸ www.ziyouz.com кутубхонаси. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси – К ҳарфи.

II БОБ. КЎРГАЗМА ЎТКАЗИШ ЖОЙИ ВА КУРАТОР ФАОЛИЯТИ

II. I. Кўргазма ташкил этишдаги бадий макон хусусиятлари.

Кураторлик фаолиятини тадбиқ этишда энг аввало бадий маконни тўлалигича тушуниб олишимиз зарур. Куратор айнан кўргазма учун макон яратувчи шахс сифатида гавдаланар экан, бадий маконнинг нима эканини ўрганиб чиқамиз.

Бадий маконнинг муҳим жихати шундаки, у кураторлик мавзусига бевосита боғлиқ бўлиб, куратор инсон–томошабин ва санъат асари учрашувини, инсон томонидан бадий образни ўрганилиши ва моддий тузилишнинг бошланиши билан боғланишини ташкил этади. Куратор томошабинга ёрдамчи сифатида ҳам моддий жихатдан ҳам спекулятив³⁹ жихатдан қатнашиб ёрдам беради. Бадий кенглик тушунчасига юзланганда, келгусида таҳлил қилиб ўрганиш учун санъатшуносликда мавжуд бўлган айрим ҳолатларга аниқлик киритиш керак. Бу тушунчанинг таърифлари анча фарқланади ва у биринчи навбатда, реал жисмоний маконни ва спекулятив, яъни, рассом томонидан яратилган дунё чегараларини акс эттиради. Масалан, Анри Лефевр⁴⁰ ўзининг “Производство пространства” асарида бадий макон ролини индивидуал муҳит яратиш сифатида белгилайди, ваҳоланки, у самарали, креатив ва озодлик манбаи сифатида намоён бўлади.

Ўзининг ишида у “Аниқ мавҳумлик” сифатида бадий маконни ажратади, яъни, макон тўғрисида олдинги билдирилган фикрларга асосланиб икки қарама-қаршилик муаммосини ҳал этишга уринади. Анри Лефевр бадий макон борасида кундалик тажрибага мурожаат қилади ва бир вақтнинг ўзида уч йўналишда: моддий, ижтимоий-сиёсий ва илмий–тадқиқот йўллари билан кўриб чиқади.

³⁹ Спекулятив – латин тилидан олинган бўлиб, “кўриниш” маъносини билдиради. Умумий илмий, фалсафий маънода – эмпирик фактлар ҳақида фикрлашдан фарқли ўлароқ мавҳумликни, диққатни чалғитишни англатади.

⁴⁰ Анри Лефевр француз жамиятшунос ва файласуфи, неомаксизм назариётчиси. “шаҳар ҳукуки” концепцияси муаллифи.

П.А.Флоренский⁴¹ бадий маконни маънавий ҳақиқат нуқтаи назаридан кўриб чиқади, яъни, “бадий макон асл тасвирнинг рамзий белгилар тасвири орқали пайдо бўлишига имкон берувчи макондир”⁴².

М.Хайдеггер ўзининг “Время и бытие” асарида макон муаммосига мурожаат қилади. У маконнинг бир нечта турини фарқлашдан ташқари, унинг хилма-халлигига ҳам ургу беради. Бадий макон унинг бир тури ҳисобланади. Бадий макон шундай турлардан бирики, унинг ёрдамида санъат асари макон билан тўйинади⁴³.

Баъзи тадқиқотчилар макон тушунчасига томошабин санъат асарининг композицион ечимини, перспективаси англагани орқали ҳосил бўлиши тарафдори бўлишган. Бу борада Мерло-Понти⁴⁴, Х.Ортего-Гассет⁴⁵ кабилар ҳамфикр бўлишган.

О.Шпенглер⁴⁶ бадий маконни “Чукурлик” нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Адабиёт доирасида бадий макон М.Бахтин⁴⁷ томонидан ўрганилади. М.Бахтини хронотом тушунчасини ажратади, яъни, вақт ва макон тушунчасини бирлаштирувчи масалани адабиёт нуқтаи назаридан тадқиқ этган.

Бадий макон тушунчасига багишланган назариялар, санъат асарини томошабин нуқтаи назаридан кўрилиши мазкур тадқиқотнинг муҳим блокинни ташкил этади. Санъат тилига кўра, айрим олимлар асарда тил мавжудлигини исботлайди, масалан Р.Арнхейм⁴⁸ инсонга боглиқ бўлган визуал қабул қилишни кўриб чиқади ва унинг мантикий фикрлашига аҳамият

⁴¹ Павел Александрович Флоренский – замонавий қарашларни тадқиқ этган файласуф.

⁴² П. А. Флоренский «Обратная перспектива» мақола, http://philologos.narod.ru/florensky/fl_persp.htm

⁴³ Мартин Хайдеггер “Время и бытие”. Москва 1993 https://imwerden.De/pdf/heidegger_vremya_i_bytie_1993.pdf

⁴⁴ Морис Мерло-Понти – француз файласуфи. Гуссерл ва Хайдеггерлар фалсафасидаги экзистенциал феноменолог вакилларида бири. Ҳамда герменевтика, структурализм ва постструктурализм, шунингдек, рамзлар назарияси билан шуғулланган.

⁴⁵ Хосе Ортега-Гассет испан файласуфи. «Дегуманизация искусства» асари муаллифи.

⁴⁶ Освальд Арнольд Готтфрид Шпенглер немис файласуфи, фалсафа тарихчиси, “ҳаёт фалсафаси” вакили. “Закат Европы” асари муаллифи.

⁴⁷ Михаил Михайлович Бахтин рус файласуфи, европа санъати назариётчиси. “Искусство и ответственность” асари муаллифи.

⁴⁸ Рудольф Арнхейм америка ёзувчиси, кино танқидчи, киношунос.

каратади: “Процесс ведения- творческая деятельность человеческого разума” (“Кириш жараёни – инсон аклининг ижодий фаолияти”)⁴⁹

Р.Арнхейм нафақат визуал қабул қилишга урғу қаратади, балки визуал фикрлаш назариясини ҳам тасдиқлайди “Образнинг пайдо бўлишида турли хил функционал тизимлар иштирок этади, қолаверса визуал тизимнинг хиссаси айниқса муҳимдир. Бу хисса ҳақиқатни такрорлаш билан чегараланиб қолмайди. Визуал тизим муҳим ишлаб чиқариш функцияларини амалга оширади ва “Визуал фикрлаш” тушунчалар эндиликда метафора эмаслиги кўринади”⁵⁰.

С.М.Даниэль⁵¹ бадиий маконни асар билан томошабин ўртасидаги мулоқот воситаси дея таърифлайди.

Учрашув жойини моддий жиҳатдан бадиий услубини кўриб чиқаётганда, куратор уни моделлаштириш, томошабин ва санъат асарлари учун сифатли учрашув жойини ташкил этади. Бу ҳолда маконнинг ёрқин ифодаси куратор лойиҳасининг мавзусини белгилаши мумкин.

Бунда инсон-томошабин санъат асари билан мулоқот-муносабатда алоқа воситаси сифатида учрашуви ўзаро шахсий муносабатларни яратишга имкон беради. Учрашув жойининг ўзига хос хусусиятларини инсон-томошабин билан санъат асари ўртасидаги мулоқот-муносабати билан белгиланадиган бир қатор мезонлар орқали аниқланади. Қуйидаги жиҳатларни фарқлаш мумкин: Сухбатчининг хусусиятлари, уларнинг ҳажмини, жойнинг ҳаракатланиш шакли, мақсади ва вақти натижаларга, яъни, бадиий образнинг шакилланишига таъсир кўрсатади. Учрашув жойи ўзаро муносабатларга таъсир қилувчи воситачи бўлиб, муносабат қилувчилар учун муайян қоидаларни тақдим этади. Махсус маконни

⁴⁹ Р.Арнхейм. Искусство и визуальное восприятие. Перевод с англ. Самохина В. Л. Общая редакция Шестакова В. П. М., Прогресс, 1974, 392 с.

⁵⁰ Р.Арнхейм. Искусство и визуальное восприятие. Перевод с англ. Самохина В. Л. Общая редакция Шестакова В. П. М., Прогресс, 1974, 392 с.

⁵¹ Сергей Михайлович Даниэль совет ва россия санъатшуноси, санъатшунослик тарихи доктори, профессор. “Искусство видеть: О творческих способностях восприятия, о языке линий и красок и о воспитании зрителя”. Асари муаллифи.

шакиллантириш зарур, аммо баъзида асарга нисбатан моддий макон устунлик қилади ва бу ҳолатда кураторнинг вазифаси кўргазмага қўйилган санъат асарларига кўра, маконни ташкил қилиш, яъни, бадиий тасвирнинг томошабин томонидан максимал даражада боғланишига эришишдир.

Кураторнинг вазифаси бадиий маконни яратиш, бадиий маконнинг вазифаси эса, санъат асарининг гоёсини очиб беришдир.

Мулоқот учун бадиий макон максимал даражада очик ёки ёпик ҳолатда (камерный) бўлиши мумкин, аммо у албатта ишончли бўлиши шарт. Шунингдек, Мулоқот доирасида кўрилаётган муносабатларга бадиий маконнинг таъсири катта.

Бадиий макон инсон-томошабин ва санъат асарини сифатли мулоқот – муносабат билан таъминлаш билан бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши керак. Томошабин ва асар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ўзига хослиги уларнинг учрашув жойини умумий хусусиятларини тушуниш учун муҳимдир, чунки суҳбат бир-бири билан ўзаро алоқа қилишнинг сифатини ўзида акс эттиради. Бадиий маконда юзага келадиган мулоқотнинг аҳамияти катта бўлиб, шу нуқтаи назардан, маконни яратишда қуйидагиларга аҳамият қаратилмоғи даркор:

1. Ташриф буюрувчи учун ишончли ва қулай муҳит яратиш.
2. Бадиий маконни кундалик ҳаётдан ажралиб туриши, асар ва томошабин орасида мулоқот юзага келишига сабаб бўлади.
3. “Актуал” чегаралар доирасида тенг асосда мулоқот қилиш учун имкониятлар яратиш.
4. Ўзаро муносабатларга диққат қаратишга ёрдам бериш.
5. Томошабин ва асар ўртасидаги суҳбатнинг сўнги ва абадий (чексиз) суҳбатга ўтишига кўмаклашиш.

Тадқиқотларга кўра куратор шахси ташкилотчилик, эксперт тадқиқотчилик ва майевтив (майевтический) нуқтаи назаридан очилади. Шундай қилиб, бадиий макон ўзининг моддий жиҳатидан томошабин ва асар учун “Учрашув жойи” сифатида қаралади.

“Бадиий маконни қулай ва ишончли яратиш, томошабин ва асар ўртасидаги мулоқотни чексиз мулоқотга ўтишига кўмаклашиш, ўзаро суҳбатларига ёрдам бериш каби баъзи қоидаларига риоя қилиши керак. Учрашув жойи томошабин ва асар ўртасидаги алоқа воситаси бўлиб, замонавий тасвирий санъат назариясига кўра, унинг хусусиятлари суҳбат жараёнига таъсир қилиши мумкин”⁵².

Визуал фикрлаш нуқтаи назаридан, бадиий тасвирнинг пайдо бўлиши томошабин ва асарнинг ўзаро суҳбати фикрлаш контексти билан белгиланади. Олдин айтиб ўтилганидек, бадиий тасвир асар билан ишлаш схемасини, логораммани, яъни белгилар тизимини, маълум хабарларни белгиловчи, яхлитлик яқидаги маълумотларни ўз ичига олади. “Логограмма-аниқ ифодаланган иерографик тизим, муракааб нақшлар ўртасидаги муносабатни линеар визуализация қилиш, уларнинг бир–бири билан тизимли келишувга келиши”⁵³. Логограммага мувофиқ белгининг гуруҳларга бирлашиши содир бўлади. Логограмма индивидуал белгиларнинг маъносини умумлаштиради ва томошабин томонидан талқин қилиниши мумкин бўлган тўлиқ схемани ифодалайди.

⁵² Шпенглер О. Закат Европы. М., 1993. Т. 1. С. 338.

⁵³ В.И.Жуковский, «Визуальное мышление в структуре научного познания».

II. II. Замонавий санъатда кураторлик тушунчаси ва фаолияти

Кураторлик фаолиятини ўрганиш учун аввало унинг замонавий санъат институтида тутган ўрнини кўриб чиқиш лозим. “Кураторлик тушунчаси, турли жихатларни ифодаловчи кўплаб таърифларни ошкор қилишни талаб қилади, чунки кураторликнинг ўзи ҳам жараён сифатида кўпқирраликдир. Аммо уни тушуниш учун аввал санъат асарининг хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, замонавий санъат назарияси нуктаи назаридан санъат асари ва томошабин ўртасидаги муносабатларнинг майевтик (майевтический) хусусиятларини белгилаш лозим. Кураторлик хусусиятларини аниқлаш учун концептуал аппаратларнинг ишлаб чиқилиши талаб этилади”⁵⁴.

“Хозирги замонда кураторлик фаолияти бадий жараёнларни назорат қилиш ва ривожлатиришини йўналтирувчи жараён ҳисобланади. Кураторлик фаолияти рассомлар ижодига институт каби таъсир ўтказиб, санъатнинг турли соҳалари ривожланишини, минтақавий, жаҳон ва миллий миқёсидаги мафкуравий йўналишини белгалайди”⁵⁵.

Кураторлик институти бадий маконга таъсир қилади, бироқ санъатни концептуал тарзда даврлар, вақтлар ва ҳудудлардан бирлаштириб, томошабинни санъат асари билан муносабат-мулоқот орқали бошқа халқлар, замонавий ёки тарихий даврлар билар танишишига имкон беради.

Замонавий дунёда куратор ва кураторлик фаолияти турли соҳаларда ишлатиладиган ва турли таърифларга эга бўлган атамадир. Бадий соҳада кураторликнинг аниқ битта тушунчаси мавжуд эмас. Куратор (лот.curator, суга – васий)- катта совет энциклопедиясида сўзнинг маъноси ишончли, васий, назорат остига олинадиган, муайян ишларнинг бажарилишига ёки бир гуруҳ ишларга раҳбарлик қиладиган шахс сифатида намоён бўлади. Оксфорд лугатида кураторга қуйидаги таъриф берилади: “Музейдаги ёки бошқа бир коллекцияларни сақлайдиган инсон; кўргазмага асарларни танлаб оладиган

⁵⁴ А.А.Шпак. “Роль куратора в современном художественном пространстве”. Красноярск 2016 г.

⁵⁵ О.А.Краснова. Энциклопедия искусства XX века. Москва: ОЛМА-Пресс, 2002.

шахс”⁵⁶. Мазкур таърифда куратор назоратчи сифатида бўлиб, санъат асарларининг хавфсизлиги учун жавобгар, лекин айти пайтда унинг воситачилик вазифаси белгиланмаган. Бундан ташқари, ушбу соҳада фаолият юритадиган, танқидчилар ва кураторлар томонидан тузалган муҳим таърифларни таъкидлаш лозим. Борис Гройс кураторни, мавжуд бўлган санъат асарларини таҳлил қилиш, улардан энг сифатлисини танлаш ва уларни тақдим этиш билан шугулланадиган шахс сифатида танитди. Шунини таъкидлаш жоизки, воситачи функциялари этибордан четда қолиб, сифатли экспозициялар кўргазмада қатнашмаслиги ҳам мумкин.

Виктор Мизиано кураторни бутунлай янги маконни яратувчиси сифатида тасвирлайди. “Кўргазмани ташкил этувчи шундай бир шахсга айланадики, унинг муаллифлик эркинлиги экспозицияда намоён бўлади, яъни у кураторга айланади, кўргазма эса, бадиий маконда жойлашган бир қатор статик объектлар бўлиб эмас, балки лойиха, аниқроғи кураторлик лойихаси бўлади. Мулоқот нафақат рассом ва томошабин ўртасида, балки юқорида айтиб ўтилганидек, уларнинг иккаласи билан ҳам ўзаро мулоқот қила оладиган куратор фигураси пайдо бўлади. Виктор Мизиано кураторнинг субъектив фазилатларига таянади, яъни у санъат асарларининг функцияларидан фойдаланиб, бутунлай янги маконни яратувчиси сифатида баҳолайди, бу кураторнинг моддий ишлаб чиқариш эмаслигини кўрсатади”⁵⁷.

Артур Данто ҳозирда замонавий дунёда кураторлик фаолияти сифатида шаклланаётган “Концептуализмдан бошлаб, асар эмас, балки артефакт ва уни қабул қилиш орасидаги макон аҳамиятли”⁵⁸ эканини таъкидлайди.

Франческо Бонами⁵⁹ ажойиб хилма–хилликни ўз ичига олган кураторнинг ролини қуйидагича белгилайди: “Куратор-нафақат гўзал дид эгаси, балки маданиятнинг таҳлилчисига ўхшаб визуал антрополог бўлиб

⁵⁶ Хокинс, Джойс М. The Oxford Dictionary of the English Language/ 2007.

⁵⁷ Виктор Мизиано, “Пять лекций о кураторстве”. Москва, 2014.

⁵⁸ А. Данто. “Аналитическая философия истории”. Москва, 2002.

⁵⁹ Франческо Бонами замонавий санъат бўйича дунёнинг энг машҳур кураторларидан бири. “Flash Art” журнали муҳарири.

колади”⁶⁰. Яъни, тарихшунос ва жахон маданий маконининг анализатори вазифалари аниқланади.

Макс Фрай кураторни миллий маданий мерос қийматларини сақлаб туришга маъсул шахс деб таърифлайди.

Ханс Уильрих Обрист бу таърифни қўллаб –қувватлаган бўлсада, уни биров эскириб қолган деб ҳисоблаган ва интервьюларида “Куратор-воситачи, яъни турли аудитория ва санъат асари ўртасидаги кўприк”⁶¹ деб таъриф берган.

Пол О Нил Х.У.Обрист каби фаолият юритаётган куратор сифатида, кураторликни ўрганилиши замонавий санъатнинг кўрғазма яратилиши тарихи контекстида кўрсатилиши, воситачилиги ва муҳокама қилиниши усуллари аниқлаш деган фикрга келади. У кураторлик фаолиятини индивидуал ижодий фаолиятларни ўз ичига олган халқаро тармоқ сифатида тушунади.

Воситачилик нуқтаи назаридан кураторлик Барри Швобски томонидан ҳам кўриб чиқилади, у кураторни нарсаларни ва баъзи одамларни бирлаштирадиган шахс сифатида белгилайди. Кэроли Ти эса, рассом ва томошабин орадида бевосита алоқани ўрнатиш учун кураторлик фаолиятини таъкидлайди. Хизер Курис кураторни концепцияни яратувчиси сифатида таъкидлайди.

Бугунги кунда кураторлик иши анъанавий тарзда бадиий ишлаб чиқаришга асосланган, самарали хусусиятларга эга бўлган замонавий маданий амалиёт доирасида турли ташкилот шакллари, моделлар ва қўшма тузилмаларни ўз ичига оладиган, кенг қамровли категория сифатида қаралади. Кўпчилик тадқиқотчилар кураторни бажарадиган функциялари кўп қирралилиги нуқтаи назаридан кўриб чиқади.

Виктор Мизиано кураторни профессионал маънода “буюк рассом” деб атайди. Бундай фикр Пол О Нилда ҳам бўлиб, у замонавий кураторлик

⁶⁰ Франческо Бонами “Я тоже так могу! Почему современное искусство все-таки искусство”.

⁶¹ Ханс Уильрих Обрист “Краткая история кураторства”.

фаолияти санъат ва аудитория орасидаги алоқани ўзгартирган деб ҳисоблайди. Бундай ҳолатга Борис Гройс ҳам эътибор қаратиб, рассом томонидан танланган асарлардан сўнг, иккинчи маротаба асар танловини ташкил қилувчи кураторнинг ишига ишора қилади. Куратор кўргазмада аҳамиятли бўлган ва сифати билан ажралиб турадиган “яхши санъат”ни намоиш этишга мажбур.

Рассом эса, ўз навбатида, тадқиқотчи томонидан “Ёмон санъат” нинг яратувчиси сифатида талқин қилинади. Рассомга танлаш эркинлиги берилган бўлиб, у асарнинг сифат ва қиймати ҳақида ҳавотирланмай керакли деб билган ҳамма асарларни намоиш қилиши мумкин, аммо куратор ўз навбатида иккинчи маротаба кўргазмага лойиқ бўлган асар танлавини амалга оширади. Шу сабабли, Б.Гройс мазкур таърифни берадики, куратор рассом фаолиятини ўзгартирувчи позициясини изохлайди. “Куратор” соҳасида муҳим жихат “ўйин” концепциясидир. Чунки томошабин ва санъат асари ўртасида мулоқот содир бўлади, шунингдек, томошабин ва бадиий макон ўртасида мулоқот бўлиб, уларнинг ўзаро ўйин муносабатлари хусусиятларини аниқлаш лозим. Кураторлик доирасида “ўйин” томошабин ва санъат асарлари билан мулоқот жараёнида психологик иштироки сифатида қабул қилинади. Бу ҳолатда куратор “ўйин” майдонини ташкил этувчидир.

Жаҳон амалиётида кураторни “рассом” сифатида кўриб чиқиш охириги пайтларда тез-тез юзага келадиган вазиятга айланган ва бундай позиция кўргазма майдонига субъектив қарорни киритишни назарда тутди. Яъни, бу ҳолатда санъат асарларининг ўзи бадиий ашё сифатида, куратор эса рассом сифатида бўлади. Бундай муносабат янги сифатни яратган.

Бугунги кунда, кураторлик тушунчасини жаҳон тажрибаси асосида синфларга ажратиш мумкин:

1. Асарларни сақлаш учун жавобгар шахс;
2. Асарларни тақдим этиш, танлаш ва анализ қилиш билан шуғулланувчи шахс;

3. Маданий мерос қадриятларини биладиган, оммавий онгнинг бошқарувчиси бўлган шахс;

4. Томошабин ва санъат асари ўртасида, шунингдек, турли хил функцияларни ўз ичига олган бадиий фаолиятнинг турли шакиллари ўртасида воситачи;

5. Куратор “рассом” сифатида, санъат асарларини ўзгартирувчи, уларни бадиий материал сифатида ишлатадиган шахс. Бироқ айти пайтда асарларнинг бадиий образини ошкор этишга ўз ҳиссасини қўшмай, балки уларни бартараф этишга, ўз бадиий образи билан янги санъат асарини яратишга уринадиган шахс.

Дунё миқёсидаги кураторлик фаолиятини тушунишда санъат танқидчиларининг фикр мулохазалари ўрганиб чиқан ҳолда қуйидагича таснифланган.

Куратор санъатшунос - майевтик ролида⁶². Замонавий тасвирий санъат назариясига қараганда томошабин ва санъат асари ўртасидаги мулоқот яратишга қодир бўлган майевтик шахсини қўриб чиқиш мумкин. Унинг роли томошабин томонидан санъат асарининг тўғри идрок этилишида ёрдамчи ҳисобланади.

Майевтик тушунчаси биринчи бор Платоннинг “Тэетет” диалогиди учрайди ва унинг маъноси Сократ томонидан яратилган фалсафий усул сифатида белгиланиши мумкин. Сократ фикрича, майевтика саволлар ёрдамида ҳар бир кишида яриширин билимларни, яъни бошқаларни мустақил равишда ҳақиқатни излашга ундаш учун мўлжалланган.

“Назарий жиҳатдан, бадиий танқидчи –майевтик томошабин ва санъат асари ўртасидаги ижодий мулоқотнинг тўла ҳуқуқли жараёнини амалга оширишда профессионал ёрдамчи ҳисобланади”⁶³.

Санъатшунос –майевтик функциялари Сократнинг фалсафий услубига асосланган:

⁶² А.А.Шпак. “Роль куратора в современном художественном пространстве”. Красноярск 2016 г.

⁶³ В.И.Жуевский. “Теория изобразительного искусства”. 2011.

1. Томошабинни санъат асарлари билан ўзаро муносабатининг натижаси бўлган бадий образни аниқлашда томошабинга ёрдам бериш.

2. Пайдо бўладиган саволлар санъатшунос-майевтик ёрдамида ўзаро муносабатлар ўрнатишда ёрдам беради.

3. Санъатшунос майевтик-ўқтувчи эмас, балки ёрдамчи вазифасини бажариши керак, чунки томошабин бадий образни ўзи мустақил равишда тушуниши керак.

4. Санъатшуноснинг яна бир вазифаси томошабиннинг нутқини кўрсатишда ёрдам беришдир.

5. Тўғри муносабатларни ўрнатишда ёрдам берадиган етакчи саволлар тайёрлашдаги усталик вазифаси-муайян асар билан суҳбатлашиш ва саволлар олдиндан тайёрлаш кераклигини таъкидлаш муҳимдир⁶⁴.

Замонавий санъат назариясида санъатшунос –майевтик авваламбор, санъатшунос-олим ва санъатшунос тадқиқотчи билимига асосланиши керак деб кўрсатилади.

Санъатшунос-олим - бу меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рангтасвир асосларини биладиган, асл нарсани соҳтадан ажрата оладиган, ўрганилаётган ёдгорликнинг бажарилган вақтини аниқлай оладиган, бадий ижод наъмунасини муайян уста-ижодкорга тегишли эканлигини аниқлашда қобилиятли мутахассисдир.

Санъатшунос–тадқиқотчи – илм натижаларига асосланиб фаолият кўрсатадиган бадий образнинг спекулятив (умозрительную) моҳиятига чуқур кириб боришига қаратилган. Санъатшунос-тадқиқотчи бадий реалликни устувор қўйиб, биринчи навбатда, тасвирий санъат назарияси концепциясига асосланади⁶⁵.

Хулоса қилганда, санъатшунос–майевтик куратор фаолиятида тор доирага эга. Куратор учун санъатшунос–майевтик иши тамойиллари шу билан боглиқ-ки, у томошабин билан сал кенгрок доирада, томошабинни

⁶⁴ А.А.Шпак. “Роль куратора в современном художественном пространстве”. Красноярск 2016 г.

⁶⁵ В.И.Жуевский. “Теория изобразительного искусства”. 2011.

атрофдаги муҳит ва унинг ечими, санъат асарлари билан томошабин ўртасида мулоқот муносабатлари қурилиши билан боғлиқ билим ва ҳақиқатни излашга ёрдам беради.

“Куратор” тушунчасини тушуниш учун уни турли нуқтаи назардан кўриб чиқиш керак:

1. Асарни сақлаш бўйича маъсул шахс.
2. Асарларни таҳлил қилиш, танлаш ва тақдим этиш билан шугулланадиган шахс
3. Маданий мерос қадриятларини биладиган, оммавий онг маҳсулотларини бошқарувчи мафкурага эга бўлган шахс.
4. Бадиий фаолиятнинг турли шакиллари ўз ичига турли функцияларни олган, томошабин ва санъат асари ўртасидаги воситачи.
5. Куратор “рассом” сифатида, санъат асарларини ўзгартирувчи, уларни санъат материаллари сифатида ишлатадиган шахс. Аммо шу пайтнинг ўзида, асарларнинг бадиий образини очишга эмас, балки, ўзининг бадиий образига эга бўлган янги асар яратишга ҳаракат қиладиган шахс.
6. Томошабин ва асар ўртасидаги ижодий суҳбатнинг тўлиқ бадиий жараёнини, “ўйин” майдонида бадиий образнинг сифатини яратиш билан боғлиқ ишларни амалга оширишда назарий билимга эга бўлган санъатшунос-мйевтик профессионал ёрдамчи ҳисобланади.

Кураторнинг концепцияси кўп қиррали бўлиб, мазкур ишда бу тушунча остида қуйидагилар тушунилади: “Куратор - бу воситачи, томошабин ва санъат асари ўртасидаги тўлиқ диалогни олиб боришда сифатли бадиий образ яратишда турли хил усулларни қўллаб, аниқ концепцияни танлаб, бадиий маконни анализ қилишда ёрдамчи ҳисобланади. Куратор бадиий маконни ташкил этиб, томошабинга бадиий образни яратишга, шакиллантиришга ёрдам беради. Куратор фаолиятининг асосий жиҳати санъатшунос-олим ва санъатшунос-тадқиқотчи, санъатшунос-мйевтик хусусиятларини бирлашганлиги, яна ҳам аниқ ва сифатли диалог қуриш, зарур ишларни танлаш ва уларни тақдим этиш муҳим ҳисобланади.

Куратор санъатшунос–майевтик сифатида - бу ҳолатда идеал томошабин, яъни бадиий макон ва иқтидорга асосланган воситалар ёрдамида профессионал тасвири шакиллантира оладиган ижрочи”.

Кураторлик фаолиятининг вазифалари. Кураторлик фаолияти функциялари ва шакилларига бағишланган параграф жуда муҳимдир, чунки мазкур диссериация ишида берилган саволларга қисман жавоб беради ва унинг замонавий санъат маконидаги ролини белгилайди. Куратор фаолияти шу қадар кўп қирралик-ки, унинг вазифалари етарли даражада кўпдир. Мазкур параграфнинг вазифаси шундай кўп қирраликни изохлаб кураторлик фаолиятининг асосий жиҳатларини аниқлашдир. Кураторлик фаолиятининг шакллари тўғридан–тўғри кураторлик проектига боғлиқ.

Кураторлик амалиётидаги муҳим вазифаларни аниқлаш мақсадида, кўплаб тадқиқотчилар турли фикрларни илгари суришган.

Олдин ҳам айтиб ўтилганидек, Эдвард Фрайд кураторнинг: миллий маданий мерос қадриятларини сақлашга маъсул шахс сифатида таърифлайди.

Харльд Зеeman таъкидлашича, куратор баъзан хизматкор, баъзан ёрдамчи баъзан эса куратор рассомга асарни қай тарзда яхшироқ тақдим этишни айтиб турувчи деб ҳисоблайди. Агар кўргазма гуруҳли бўлса, у ҳолда куратор координатор, агар мавзули бўлса у ҳолда ижодкордир⁶⁶.

Кўпчилик тадқиқотчилар, жумладан, Барри Швобски, Уильрих Обрист, Кэроли Ти, Пол о Нил, Терри Смит ва Виктор Мизиано томонидан кураторнинг воситачилик фаолияти таъкидланади.

Замонавий тасвирий санъат назариясида санъатшунос В.И.Жуковский санъатшунос–майевтикнинг “психолог”, “мураббий”, “менеджер”, “танқидчи”, “арбитр” каби функцияларини кўрсатиб ўтади.

Пол О Нил эса, куратор функцияларини фақатгина воситача эмас, балки кенгроқ қилиб очиб беради. Унинг тушунчасида куратор кейинги функцияларга эга бўлиши керак. Куратор менеджер (продюсер) – санъат савдо саноати каби. Концептуалист куратор – кураторнинг ўзи

⁶⁶ Ханс Ульрих Обрист, “Краткая история кураторства”. 2012.

концепцияларнинг ишлаб чиқарувчиси бўлади, чунки у мавзуни, яъни лойиханинг асосий қисмини ташкил этувчи шахс. Куратор таъсисчи – ўзгарувчан маданий ва бадиий тенденцияларни ҳисобга олади, шунингдек, санъатнинг ривожланишига ҳисса қўшади ва кейинчалик актуал санъат деб аталиши мумкин бўлган санъатни яратади. Куратор –воситачи, икки қарама – қарши позицияда музокаралар олиб боради ва келишув ечимимни, яъни аниқ гоёни топади. Дэвид Леви-Стросс кураторнинг вазифаларини янада кенгрок очиб беда ва қуйидаги функцияларни аниқлайди: менежер, ҳимоячи, муаллиф, молиявий агент, бюрократ, маданий тадбиркор, дипломат.

Мари Кармен Рамирес кураторнинг шундай родини аниқлайди: воситачи родини, таржимон родини, баҳоловчи родини⁶⁷. Адабиётларда энг кенг тарқалган В.В.Савчукнинг кураторлик фаолияти функциялари тақдим этилган.

Куратор–менежер. Санъатнинг замонавий босқичида тижорат саноатининг бир қисми бўлиб , унда ҳар бир ишнинг сифати ва бошқа бадиий меъзонлари билан белгиланмаган ўз моддий бойлиги мавжуд. Куратор – менежер вазифасига буюмни тўғри тақдим этиш тушунчаси орқали қиради.

Куратор–воситачи. Куратор-воситачи кўп ҳолларда куратор-менежер фаолиятини давом эттиради. Бироқ, у рассом ва томошабин орасида маънавий даражадаги энг самарали маслаҳатчидир. Рассомнинг ижодий ҳаракатларини тайёрлашда иштирок этиб, у мақсадли аудитория ҳарактерини таҳлил қилади ва томошабинлар учун энг қулай бўлган асарлардаги гоёларни жамоатчиликка етказишга ҳаракат қилади.

Куратор–концептуалист. Куратор концепциялар ишлаб чиқарувчи ва уларни бажарувчиси бўлиб қолади. Шундай қилиб, у шахсий баҳолаш орқали атрофдаги жараёнларни англайди ва рассомнинг барча функцияларини ўзида бирлаштиради. Бу ҳолат бадиий позицияларнинг куратор-концептуалист фаолиятида бирлашишга олиб келади.

⁶⁷ Елена Евгеньевна “Кураторство в современной художественной парктике” Автореферат. 2009,

Куратор–таъсисчи. Бугунги кунда ахборот оқимларининг жадал ўсиб бораётган динамикаси билан характерланади. Шу нуқтаи назардан босқичма босқич устувор бўлган маданий доминантларга бевосита боғлиқ бўлган бадиий соҳа барқарор эмас ва бу замонавий санъатда акс этади. Куратор – таъсисчи, ушбу вазиятни ҳисобга олган ҳолда, бир томондан бадиий тенденцияларнинг узлуксиз фаркланишига интилади ва бошқа томондан унинг ривожланишига ҳисса қўшадиган янги номларни излайди.

Куратор – гурман ва ошпаз (повар). Кураторнинг бошқарувчи функциялари. Кураторнинг ролини ошириш жаройини нафакат унга бадиий соҳани ривожлантириш маъсулиятини беради, балки унга махсус ваколатни ҳам юклайди. У ўз фикрига қўра, сифатли санъат асарларини танлаб олади ва уларни энг муносиб шаклда тақдим этади.

Куратор–етказиб берувчи (супер доносчик). В.В.Савчук ўз ишида *етказиб берувчи (доносчик)* тушунчаси остида рассомни ифодалайди, бу нарсa жамоатчиликка қандай огир ёки ёмқимсиз бўлишидан қатъий назар, ҳақиқатни очиқчасига эълон қилади. Куратор, ўз навбатида, дунёга бефарқ эмас ва ҳаётдаги норозиликни намоиш этишга ёрдам берадиган кучга айланади⁶⁸.

Кураторнинг жуда кўп ролларини ўрганиш бизга кураторнинг профессионал фаолиятининг кўп ўлчамлилигини қайд этиш имконини беради. Унинг кўп ўлчамли вазифалари у бажараётган функцияларининг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда кўриш керак.

Ушбу диссертация ишида кураторнинг роли тақдим этилган тажрибани тизимлаштириш орқали ёритилади.

Куратор – медиатор. Медиатор (лот.*medius* ўрта, лот.*mediator* воситачи), қандайдур ҳаракат, суҳбат ва ташкилотчиликда учинчи даражали ўринга эгадир. Медиатор нейтрал томон ҳисобланиб, вазиятни объектив баҳолай олади. Кураторлик амалиёти ҳолатида, куратор–медиатор куйидагилар ўртасида воситачи:

⁶⁸ В.В.Савчук. “Конверсия искусства” 2001.

1. Рассом ва омма ўртасида
2. Рассом ва савдо муҳити ўртасида
3. Рассом ва институт ўртасида
4. Рассом ва бадий макон ўртасида
5. Рассом ва бошқа рассомлар ўртасида
6. Рассом ва ўзгарувчан маданий доминант ўртасида
7. Томошабин ва санъат асари ўртасида
8. Рассом ва оммавий ахборот воситалари ўртасида

Кураторнинг бу функцияси кўргазма ташкил этишда иштирок этган томонлар ўртасида ўзаро тушуниш учун воситачилик ва психологик вазифаларни бирлаштиради.

Замонавий санъат макони - бу кураторнинг муайян контекстда жамоатчиликка етказадиган гоёлар майдони, бу эса энг муҳим аҳамиятга эга. Жамият ҳар доим ҳам рассом томонидан яратилган ҳақиқатни қабул қилишга тайёр бўлмайди ва шунда куратор-медиатор кўргазмани шундай ташкил этадики, томошабин ва санъат асари ўртасидаги макон қулай бўлиб, рассом гоёлари эса тўла ҳолда намоён этилади.

Замонавий санъат постмодернизм асосларига таянган бўлиб, инсониятнинг замонавийликка бўлган ҳиссиётига ургу беради ва бу асосий элемент ҳисобланиб, бадий матнни қайта кўриб чиқишга имкон беради. Матн малакали тушуниш ва чуқур ўрганишга асосланади, рассом бадий муҳитга таъсир қилувчи дунёдаги муаммоларни тақдим этади. Матнни тушуниш тор санъат доирасида сифатли талқинни беради.

Замонавий тасвирий санъат назариясига кўра, санъатшунос-майевтик томашабин ва санъат асари ўртасидаги бадий образни аниқлаш мақсади билан сифатли мулоқотни ташкил этиш учун учинчи шахс сифатида чақирилади. Куратор-медиатор бу мулоқотда учинчи томон сифатида, мақсадга эришиш учун энг тўғри йўлни ва ишнинг моҳиятини максимал даражада намоён қилиш учун “ёрдам” маконини ташкил этади.

Куратор-концептуалист. Куратор роли концептуалист сифатида, уни замонавий дунё ишларини сифатли акс эттирадиган лойихалари учун янги гоёларни топиш нуктаи назаридан очиб беради. Концепт лотин тилидан *conceptus*- тўплаш, йиғиш, фалсафий лугатда бирор бир нарсанинг маъносини “ушлаб олиш” сифатида кўриб чиқилади. Санъатда маълум бир бадиий ходиса ҳақида тасаввурнинг маъноси сифатида концепция пайдо бўлади.

Куратор-концептуалист, кўргазма ташкил этаётиб, биринчи навбатда, бадиий муҳитда акс этган энг чуқур муаммони белгилайди. Кўргазмани матн сифатида кўриб чиксак, концепция унинг асосий гоёси бўлиб, танланган концепцияга қараб санъат асарлари ва бадиий муҳит асослари яратилади”⁶⁹.

Кураторнинг бу вазифаси асарнинг тақдим этилишига тизимли ёндашишни акс эттиради. Кураторлик фаолияти тарихида шуни таъкидлаш мумкинки, кураторлик фаолияти институт кўрсатмаларидан воз кечишни ва контекстни сифатли талқин қилиш учун бадиий маконни танлашни назарда тутувчи янги концептуал алоқани яратишни назарда тутди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, куратор-концептуалист ўз ишида аудитория ва унинг талабларини инобатга олиши ва мослашувчан бўлиши керак.

Лойиҳанинг якуний структураси тугатилгандан сўнг, мақсадли аутория учун кураторлик лойиҳаси амалга ошириш стратегияси тузилади.

Шундай қилиб, куратор–концептуалист ролини замонавий муаммоларни тўғри акс эттиришга асосланган бадиий маконни тўғри тушунтириш ва талқин қилиш мақсадида янги гоёларни яратувчиси сифатида белгилаш мумкин.

Куратор–таъсисчи. Таъсисчи вазифалари бадиий маконни ва санъат асарларини танлаб олишдан иборат.

Таъсисчи ўзининг концепциясига биноан бадиий муҳит учун танланган санъат асарини маъқуллайди ёки аксинча маъқулламайди. Асар танлашга нафақат концепцияга, балки асарнинг сифатига ҳам асосланиш керак. Бу ҳолатда куратор-таъсисчи ўзида сифатли анализ қилиш ва тушуниш учун

⁶⁹ Ф.Перрен “Экономия выставки”. Terra Incognita: Теория и практика выставочного дела. 1995, №3-4.

санъатшунос-олим ва санъатшунос тадқиқотчи хусусиятларига эга бўлиши керак. Кўргазма ўзини ўзи ифодаловчи устувор аҳамиятга эга бўлган ходисади. Бироқ, тижорат томонидан оммани жалб этувчи асосий восита эканлигини инобатга олиш керак. Бу саволнинг тижорат томони кураторни таъсисчи сифатидаги ролини кўриб чиқишни талаб этади. Таъсисчи менежмент масаласи билан шугулланади, чунки у ўзининг профессионал тайёргарлиги туфайли санъат асарини баҳолай олади. Куратор лойиҳаси иштирокчилари таркиби мазмунли маънога эга. У нафақат санъат тизимининг мантигига, балки тактик ва стратегик мақсадларига боғлиқ. Кўргазма иштирокчилари танлови ҳар доим кўргазма мавзуси ва концепцияси билан боғлиқ.

Куратор-таъсисчи асар ва концепцияни танлашда маъсул шахс бўлганлиги сабабли, у нафақат ижтимоий реклама билан, балки кўргазмага тўғри келадиган материаллар, буклетлар, китоблар тўплами, санъат асарлари тўплamlари, кўргазмани оммавий ахборот воситаларига тақдим этишга жавобгардир.

Куратор-таъсисчи лойиҳа яратишда рассомлар ва уларнинг юксалишини ва ўзининг обрўси ҳақида қайгуради. Концепцияни танлаш баъзан аудиторияни ҳайратда қолдиради. Шунинг учун куратор концепция ва томошабин берадиган жавоб ўртасидаги мувозанатни сақлаши керак. Куратор таъсисчи ўз танлови концепциясининг асосида бадиий муҳитни ташкил қилиш билан шугулланади.

Шу тариқа, куратор-таъсисчи, аудиторияни ўрганиб, санъатшунос-тадқиқотчи ва санъатшунос – олим билимларига таяниб, бадиий маконни танлашда, кўргазмани оммавий ахборот воситаларига тақдим этишда концепцияга мурожаат қилади.

Куратор –руҳшунос (психолог). психолог сифатида кураторнинг функциялари жуда кенгдир, чунки у объектив ҳақиқатини инсон инъикосига бевосита таъсир этади. Психология грекчадан – рух, ўрганиш, рух ҳақидаги

таълимотдир. Психология хар хил турмуш шароитларида одамнинг хулқ-атвори, хисси ва онгини англаш илмидир⁷⁰.

Психолог ролида куратор, инсоннинг ақлий ҳаётининг қонунларини эътиборга олиши керак, визуал санъат асарини сифат жиҳатдан танлаб олиш ва фақатгина ишнинг ўзи эмас, балки айти пайтда томошабиннинг талабларига жавоб берадиган учрашув жойи учун ижтимоий жиҳатдан турли хил диний ва миллий жиҳатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши керак.

Психологнинг роли бадиий муҳит ва кейинчалик бадиий образ яратиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, куратор-психолог турли хил ижтимоий жиҳатлари билан боғлиқ миллий, этник ва турли ёшдаги томошабин ва санъат асари ўртасида моддий қулай ва психологик даражада ишончли мулоқот қуришга ёрдам беради.

Куратор-майевтик. Кураторнинг санъатшунос –майевтик сифатидаги вазифаси Н.П.Копцевой, В.И.Жуковский, Д.Пивоваровнинг замонавий тасвирий санъат назариясига асосланади ва бу ҳолатда куратор, санъатшунос –олим, санъатшунос-тадқиқотчи ва санъатшунос-майевтик билимларига асосланиб актуал бадиий образга эғалик қилишни, бадиий образни шакиллантириш ва намоён қилиш каби функцияларни амалга оширади.

Бу вазиятдан келиб чиқиб куратор майевтик сифатида томошабин вазифасини бажаради. Максимал даражадаги актуал бадиий образга эғалик қилиш, мазкур мулоқотда томошабин ва санъат асари ўртасида бадиий образни максимал даражада намоён этишга ёрдам беради.

Хулоса. Шундай қилиб, ушбу бобдан қуйидаги хулосалар чиқаришимиз мумкин:

1. Куратор роли медиатор сифатида, бадиий жараёни ташкил этишда белгиланган вазифаларни ҳал этиш билан белгиланади. Куратор

⁷⁰ Психология личности и сущности человека: парадигмы, проекции, практики. Учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Психология». М.2002.

томошабин ва санъат асари ўртасидаги ўзаро мулоқот учун уйғун бўлган кўргазмани яратишда ёрдамчи ҳисобланади.

2. Куратор - концептуалист роли янги гоялар, концептлар, бадиий макон ихтирочис сифатида ўрни бугунги куннинг муаммоларини тўғри акс эттиришга асосланган.

3. Куратор – таъсисчи, концепцияга, аудиторияга, маданий доминант ва санъатшунос-тадқиқотчи, шунингдек санъатшунос-олим билимларига таянган ҳолда санъат асарларининг танлови, бадиий макон танлови, тижорат ишлари ва кўргазмани оммавий ахборот воситаларига тақдим этиш билан шугулланади.

4. Шундай қилиб, куратор – психолог турли хил оммавий, диний ва миллий жихатларни инобатга олган ҳолда, томошабинни санъат асари билан мулоқоти психологик қулай ва ишончли даражада ўтишини таъминлайди.

5. Бу вазиятдан келиб чиқиб, куратор майевтик сифатида томошабин вазифасини бажаради, максимал даражадаги актуал бадиий образга эгаллик қилиш, мазкур диалогда томошабин ва санъат асари ўртасида бадиий образни максимал даражада намоён этишга ёрдам беради.

III БОБ. КУРАТОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ НАТИЖАЛАРИ

III.1. Кураторлик тарихи ва XX асрнинг таниқли кураторлари

Кураторлик соҳа сифатида пайдо бўлганига кўп бўлмаганлиги сабабли, унинг ривожини, профессионал маданий ва санъатшунослик соҳаларида идрок этиш хусусиятларини тўлиқ кузатиб бориш имконини беради. Бунинг учун уни соҳа сифатида шаклланиш жараёнини кузатиш муҳимдир. Ушбу профессионал фаолият ва унинг санъат тизимидаги вазифалари ҳозирги замонда жуда катта талабга эга. Санъат асарларини намойиш этадиган ташкилотлар қайси вақтда янги мустақил ижодий жараёнга ўтганлигини тушуниш учун, XX аср бошларида бошланган классик институтдаги ўзгаришларнинг келиб чиқишига мурожаат қилиш керак. Шунини таъкидлаш жоизки, танқидий элементлар кураторлик фаолияти билан боғлиқ бўлгани учун муҳимдир, лекин бу вазиятда танқид кураторлик фаолияти пайдо бўлишига асос сифатида қаралиши мумкин.

Кураторлик фаолиятининг пайдо бўлиши 1920 йиллар Александр Дорнер шахсига бориб тақалади, лекин бу соҳа фаолиятининг гуллаган даври 1960 йилларга тўғри келади. Инсонларнинг жамият ҳаётида кураторликнинг пайдо бўлиши сабабларини аввало, тарихий вазиятни, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришда фарқлашимиз мумкин. Ижтимоий ишлаб чиқаришда асосий субъект илм бўлади, яъни замонавий ишлаб чиқаришни илм саноати сифатида белгилаш мумкин. Илмий тараққиётнинг ютуқларига асосланган соҳалар олдинга чиқади. Илм ишлаб чиқариш соҳаси сифатида қаралган. Виктор Мизианонинг таъкидлашича “Бу даврда санъат қайтарилишни ишлаб чиқарса, кўргазма эса танқидга сабаб бўлади”⁷¹, глобал дунёда юз берадиган ўзгаришлар санъатга таъсир қилиб, “Демистификация” муаммосини юзага келтиради, бу термин Сет Сигелауб томонидан кураторликни соҳа сифатида

⁷¹ Мизиано, Виктор. Пять лекций о кураторстве [Текст] / Виктор Мизиано. - Москва : Ад Маргинем Пресс, 2014.

аниқлаётганда киритилган. 1960 йилларда Америка либерализация ва маданиятга қарши инқиоблар даврида намоён бўлган деб айтиш мумкин⁷².

1960 йилларга келиб, музейдаги кўргазмаларни махсус ёлланган шахс - кураторлар ташкил эта бошлаши ҳеч кимни ажаблантирмайди. XX аср бошларида кўргазмани ташкил этиш учун асосан рассомларни жалб қила бошлаган. Кейинчалик кўргазма ташкил этишнинг нуфузи орта борганни сари махсус бир шахсни тайинлаш талаб этган. Сабаби, кўргазмани ташкил этувчи шахс бу кўргазмада намоёнишга қўйилган санъат асарлари ва томошабин ўртасидаги кўприк вазифасини ўтайди. Кўргазмани ташкил этишда кўргазманинг гоёсини томошабинга етказиб бериш жуда муҳим. 60-йилларга келиб, кўргазмани ташкил этувчи шахс куратор ҳисобланилиб, унинг фаолияти ҳам алоҳида баҳоланиб борилган.

Дастлаб, Алферд Барр⁷³ MOMA⁷⁴ да кураторликнинг 6 та қуйидаги бўлимларини режалаштирган: рангтасвир ва ҳайкалтарошлик, графика, босма ва китоб графикаси, кино, фотография, архитектура ва дизайн.

Кураторликда санъатни жуда кенг доирада кўра билиш ва жасорат талаб этилади. Замонавий санъат музейига томошабинларни жалб қилиш даражасида кўргазма ташкил этиш жуда мушкул.

1961-1980-йилларда Базелдаги Бадий музейга раҳбарлик қилган Франц Мейер кураторлар ҳақида шундай дейди: “Агар баъзи бир кураторларнинг номлари тарихда қолмаган бўлса, бу уларнинг фаолияти айнан ўз даврига мослашганини билдиради. Ва уларнинг таъсирига қарамасдан бу кураторлар унутилди.

Кураторлик амалиётининг эксперименталлиги XIX асрнинг ўрталарида турли санъат турларини интеграциялашувини англатган. Куратор ва замонавий санъат музейи ходимлари маданий ва ижтимоий ҳаётнинг турли нуқталарига, сиёсатдан то архитектурагача эътибор қаратганлар.

⁷² Гуревич, Павел Семенович. Культурология [Текст] : элементарный курс : [учебное пособие] / П. С. Гуревич. - Москва : Гардарики, 2004.

⁷³ Алфред Хамилтон Барр (1902-1981) MOMA нинг биринчи директори.

⁷⁴ MOMA – The museum of modern art

Кураторлик лойиҳаларида нафақат театр, мусиқа, адабиёт ва рангтасвир асарлари барки ижодий муҳитни яратувчи барча соҳаларда ташкил этилган. Замонавий санъат музейи фаолияти эса, турли соҳа вакиллари томонидан қўллаб-қувватланиб келинган.

Стокгольмдаги “Модерна мусеет” замонавий санъати музейининг 1958-1973 йиллардаги директори ҳамда Парижлаги Жорж Помпиду марказининг биринчи директори Понтюс Хюльтен ўзининг кўргазмаларида театр, кино ва ракс санъатлари уйғунлигини яратган. “Париж-Ню-Йорк” кўргазмасида у Гертруд Стайн салонини, Ню-Йоркдаги Мадриан устахонасини ва хаттоки, Пегги Гуггенхайм галереяларини реконструкциясини яратган. “Париж-Берлин. 1900-1933” кўргазмасида Веймар Республикасининг маданияти – санъат, театр, адабиёт, кино, архитектура, дизайн, мусиқа ва бошқа санъат турларини намоиш этган.

XX асрнинг етакчи кураторлари сифатида жуда кўплаб санъат вакиларини фаолиятларини тажриба тариқасида кўриб чиқишимиз мумкин. Хатто, кураторларнинг фаолиятидан келиб чиқиб, уларни ўзларини йўналишлари бўйича таснифлаш ҳам мумкин. Бироқ, бу жуда катта маълумотлар манбаини талаб этади. Шу сабабдан, ушбу магистрлик диссертацияси орқали айрим айрим кураторларнинг фаолитлари ҳақида тўхталиб ўтилади.

Александр Дорнер (1893-1957) XX асрнинг бошларида жаддал ривожланган санъат ўзида янгича хусусиятларни акс эттирди. Немис миллатига мансуб бўлган Александр Дорнер бу янги хусусиятлага биринчилардан бўлиб эътибор қаратган. У 1923 йилда Гонновера давлат музейига куратор сифатида фаолият бошлайди. 1925 йилга келиб эса, музей директори лавозига тайинланган. Унинг раҳбарлиги Баухаузнинг ташкил этилиши вақтларига тўғри келди. Дорнер Германиянинг 20-30 йилларидаги авангард асарларини жамлашдаги етакчилардан бири бўлди. У Пит Мондриан, Эль Лисицкий, Казимир Малевич ва бошқаларнинг асарларини

жамлаган⁷⁵. 1928-1936 йилларда Дорнер Ганноверадаги Олий техник мактабида профессор ассистентти сифатида дарс берган. 1930-1933 йилларда эса журнал учун “Бугун музей” (Museum der Gegenwart) рукнида доимий равишда мақолалар ёзган⁷⁶.

Дорнер куратор сифатида академик муассасаларда ўзи жамлаган турли даврга оид авангард санъат асарларини янгича услубда намойиш этиш методини ишлаб чиқди. Дорнер Эль Лисицкому ва Ласло Моголи-Надюларга “Ҳозирги хона” (“Raum der Gegenwart”) лойиҳасига буютма беради. Унда у алоҳида ўзига хос муҳитни яратишни истайди. Экпонат миллий анъанавий ҳамда замонавий санъат асарлари билан шаклланиши режалаштирилади. Бироқ бу лойиҳа амалга ошмайди.

1933 йилда ҳокимиятга келган нацистларга Дорнернинг илгор санъат сиёсати ёқмайди. Дорнер “Дегенератив санъат” деб номланган 36 та замонавий санъат кўргазмаларига қарши туради. Натижада, нацистлар уни молиявий фирибгарликда айблаб 1936 йилда музей директори лавозимидан олиб ташлашади ва Дорнер АҚШ га эмиграция қилинади. 1938 йилда Алфрет Барр Дорнернинг тавсиясига кўра, авангард санъати соҳасида етакчи бўлиб, Род-Айлендедаги Дизайн мактабига директор бўлиб тайинланади. Дорнер анъанавий экпонатлаштирилган санъат асарлари ва инсталляциялар билан кўргазмалар ташкил қилиб жамоатчиликнинг эътиборини тортади.

У ҳар доим санъатнинг ижтимоий йўналишларини таъкидлаб, янги санъатни тақдим этиш учун махсус институт ташкил этишни орзу қилган. Чунки, анъанавий кўрсатиш усуллари ҳар доим авангард санъатининг моҳиятини акс эттирмайди. Унинг музейларни анъанавий тарзда қайта қуришга доир улкан режалари амалга ошмай қолган.

Дорнер ҳаётининг қолган қисмини Браун Университетида ва 1948 йилдан Бенингтон коллежида санъат ва эстетикадан таҳсил беради.

⁷⁵ Rebecca Uchill, “Original and Reproduction: Alexander Dorner and the (Re)production of art Experience”. Future Anterior. Winter 2015.

⁷⁶ Joan Ockman. “The Road not Taken: Alexander Dorner’s Way Beyond “Art”, in Autonomy and Ideology: Poisoning an Avant-garde in America, ed. Robert Somol. New York: Monacelli Press, 1997.

Дорнернинг илгари сурган гоялари долзарб бўлсада, бироқ XX асрнинг бошларидаги буржуа жамоатчилиги бундай ўзгаришларга тайёр бўлмаган.

Альфред Барр (1902-1981). Алфред Хамилтон Барр (1902-1981) – америкалик санъат тарихчиси ва Нью-Йоркдаги замонавий санъат музейининг биринчи директори. У Мериленд штатидаги ўгил болалар Лотин мактабини битирган. 1923 йилда бакалавр даражасини, 1924 йилда Принстон Университетининг санъат тарихи бўйича магистрлик даражасини олган. 1924 йилда Гарвардда докторлик диссертациясини устида иш бошлайди, бароқ педогогик фаолият юритиш учун диссертация ёзишни тўхтатади. У 1946 йилгача докторлик даражасига эга бўлолмайди. Барр 1926 йилда Уэлси коллежига доцент сифатида дарс бериш учун юборилади⁷⁷. У ўша йили замонавий санъат яъни бакалавр даражаси учун, “Замонавий санъат анъаналари ва исёни” мавзусидаги дастурни таклиф этади. Бу курс нафақат мавзусининг янгилиги балки, ўқитиш методикасининг ҳам ўзгачалиги билан фарқ қилган. Барр синфдаги тўққиз нафар талабаларнинг ҳар бирига алоҳида “факултет” сифатида муносабатда бўлган. Уларнинг ҳар бири курс мавзусини ўзлаштириш ва ўқитиш учун маъсул бўлганлар. Баррнинг ўқув курси расмий учун ёзилган бўлсада, бироқ у санъатни кенг қамровли тушунча сифатида тарғиб этарди ва унинг курсида дизайн, архитектура, кино, ҳайкалтарошлик ва фотосурат ҳам ўргатилган. Шунингдек у, бадий ва анъанавий жиҳатдан санъат тарихидан жой олган манзилларга талабалар билан сафарлар уюштирган. 1929 йилда Барр Карнеги стирендияси совриндори бўлади. У кейинги ўқув йилида Нью-Йорк университетида замонавий санъат ва кубизм бўйича докторлик диссертациясини тайёрламоқчи бўлганида, унга янги очилган Замонавий санъат музейига директорлик лавозимини таклиф қилишади. Докторлик диссертациясини кейинга қолдириб, у замонавий санъат музейида бирданига мақсад ва вазифаларни аниқлаштириб ишга киришади. Қисқа муддат ичида

⁷⁷ Barr, Margaret Scolari. “Our Campaigns: Alfred H. Barr, Jr., and the Museum of Modern Art: A Biographical Chronicle of the Years 1930-1944”. The New Criterion, special summer issue, 1987.

постимперсонализмга аталган илк кўргазмани ташкил этади. Унинг энг унитилмас лойиҳаларидан бири 1939-1940 йилларда Пикассонинг ретроспектив кўргазмаси бўлган. Ретроспектив бу ҳозирги ҳолатидан аввалги ҳолатигача бўлган босқични кўрсатиб беришни аңлатиб, ушбу кўргазма ҳатто Замонавий санъат музейининг фаолияти асосини яратган. Барр 1943 йилда Замонавий санъат музейи президенти Нельсон Рокфеллернинг замонавий санъат бўйича шахсий маслаҳатчиси бўлган. 1968 йилда у музейни тарқ этаётганида замонавий санъат назарий жихатдан санъат тарихининг бир бўлагига айланган ва тадқиқотлар олиб борилаётган эди. Ҳаётини замонавий санъатни тарғиб этишга бахшида этган Алферт Барр 1952 йилда Америка санъат ва фанлар академиясининг фахрий аъзоси ҳисобланган⁷⁸.

Барр музей директори лавозимида асосий вазифа музей учун сотиб олиш ва сотиб олиш ҳисобига таъсисчиларга маслаҳат бериш эди. Барр бу масалада жуда тежамли ёндошган ва Барр дунёдаги энг катта мавҳум эксперсионизм тўпламининг асосини яратган.

Пегги Гуггенхайм (1898-1979). Замонавий санъат (The Art of This Century) галереясининг эгаси. Ушбу галерея 1942 йилда ташкил этилган бўлиб, унда асосан Европа авангарди - М.Эрнста (Пеггининг турмуш ўртоғи), Хуана Миро, Марселя Дюшама, Василия Кандинского, Пикассоларнинг умумий миқдори 450,000 АҚШ доллари бўлган санъат асарлари жамланмаси мавжуд. Гуггенхайм оиласининг обрўси ва Реггининг ташкил қилган кўргазмаларининг нуфузи орти ва кейинчалик у Поллок, Ротколар каби америкалик рассомлар билан бирга ишлай бошлади.

Ли Краснер⁷⁹ Замонавий санъат галереяси ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “Ушбу галереянинг ўзига хослиги Нью-Йорк мактабида учрамаганлигидадир. Ушбу галерея томошаюинларга машҳур рассомларнинг

⁷⁸ Barr, Margaret Scolari. “Our Campaigns: Alfred H. Barr, Jr., and the Museum of Modern Art: A Biographical Chronicle of the Years 1930-1944”. The New Criterion, special summer issue, 1987.

⁷⁹ Ленор Краснер абстракт-эксперсионизм жанрида ижод қилган америкалик рассом.

асарларини тақдим этди, баъзида эса, ёш рассомларнинг танилишида асос вазифасини бажарди”⁸⁰.

Пегги Гугунхайм 1960 йилда “Санъат мухлисининг эътирофлари” (Confessions of an Art Addict) номли мақоласида куйидагича ёзган: “Кислер кичик бўйли одам бўлиб, Наполеон сингари эди. У таниқли даҳо бўлмасида мен унга жуда шов-шувли лойиҳа яратиши имконини бердим. Унинг сўзларига кўра, мен авлодларга унинг коллекцияси билан эмас, балки уларга инқилобий тақдим этилиши билан машҳур бўлиб қоламан. Кислер аслида ажойиб бир ноодатий ва театрлашган галерея ташкил қилган. Асарлар жуда оғирлиги билан томошабинни биров улардан чалғитган бўлсада, бироқ ажойик безак вазифасини ўтовчи асарлар эди. Мен биргина асарларнинг доимгидек “ромка”да бўлиб қолмаслигини талаб қилдим. Кислернинг ижоди ноодатий эди. Тўғриси айтганда, мен ундан асарлари билан деворни тўлдиришни кутган эдим, бироқ мен адашибман. Унинг асарларидаги гоё мен кутганимдан ҳам кўра кўпроқ мукамал эди. Галереянинг сюрреалистик залида Жанубий Американинг комед дарахтидан ясалган девор бўлиб, ҳар қандай бурчак остида жойлаштирилиши мумкин бўлган беусбол тайёқларига ўрнатилган рамкасиз асарлар девордан бир футга яқин эди. Бундай кўринишда ҳар бир асар диққатни тортган.”⁸¹

Харальд Зеeman (1933 – 2005). 1970 йилларда кураторлик фаолияти анчайин шаклланиб улгурган бўлиб, кураторлик фаолиятини ташкил этилишини аниқ санаси сифатида 1969 йил деб ҳисобланилади. Яъни Берндаги (Швейцария) Kunsthalle⁸² директори Харалд Зеeman ўз лавозимидан озод этилиб, мустақил равишда “Маънавий ишлар агентлиги” (Agentur fuer geistige Gastarbeit) ни ташкил этиши ва мустақил кураторлик фаолияти йўлга қўйиши билан белгиланилади.

Понтюс Хюльтен (1924-2006). 1924 йилда Стокгольмда тугилган,

⁸⁰ <https://culturieuse.wordpress.com/2013/04/13/jean-tinguely-1925-1991-nikki-de-saint-phalle-1930-2002>

⁸¹ <https://www.amazon.com/Confessions-Art-Addict-Peggy-Guggenheim/dp/0880015764>

⁸² Кунстхаллел немис тилидан олинган бўлиб кўргазма зали маъносини билдиради. бироқ дунёнинг айрим мамлакатларидаги кунстхаллелар шахсий каллекциялар тўплами ёки музей маъноларида ҳам ишлатилади.

2006 йилда шу ерда вафот этган. Интервью 1996 йилда Парижда ёзиб олинган. Биринчи марта 1997 йилда Нью-Йоркда бўлиб ўтган Арт форумда “*The Hang of It-Museum Direct or Pontus Hultén*” (“Уни осиб қўйинг – Музей директори ёки Понтюс Хюльтен”) номи остида чоп этилган⁸³.

Интервью биринчи марта нашр қилинганда ўз фикр мулохазаларини билдириб ўтган. Ники де Сен-Фаль Понтюс Хюльтен хақида шундай деган эди: «унда музей директорининг эмас, рассом қалби мавжуд»⁸⁴. Хюльтен доимо ўзи рассом бўлмаса ҳам, ижодкорлар билан мутлақо бошқача тарзда мулоқот уюштирарди; у бутун умри давомида Сем Френсис, Жан Тингли ва Ники де Сен-Фаль билан дўстлашди, ўз мавқеини нафақат кузатиб борган, балки уни бошиданок юксалтирган. Интерактивлик ва импровизация, 1966 йилдаги де Сен-Фаль “У” си каби кўргазмаларга хос бўлиб (ички томони Тингли ва Пер Олоф Ультвельдтом билан безатилган улкан аёл хайкали) Хюльтен фаолияти учун характерли бўлган умумийликдир. “Модерна мусеет” (“Замонавий музей”) нинг директорлик лавозимини 15 йил давомида (1958-1973) эгаллаб турган Хюльтен музейни эластик, ўзида турли-туман фаолият кўринишларини – маъруза, кинотакдимот, концерт ва мулоқотни мужассамлаштирувчи очиқ макон сифатида тушунган.

1960 йилларда Стокгольм бадий пойтахт сифатида юксалди, “Модерна мусеет” эса – замонавий санъатнинг энг фаол институтларидан бирига айланган⁸⁵. Хюльтен учун музей Европа ва Америка орасидаги “элитувчи кўприк” имконини тугдирувчи роль ўйнаган.

1962 йилда у тўрт америкалик ёш рассомлар (Джаспер, Джонс, Альфред Лесли, Роберт Раушенберг ва Ричард Станкевич) кўргазмасини уюштирди, икки йил ўтгач – Европада америкача поп-арт кўринишидаги биринчи кўргазмалардан бирини ўтказди. Бу ишига жавобан 1968 йилда Хюльтен Нью-Йорк Замонавий санъат музейида кўргазма уюштириш

⁸³ Ханс Улрих Обрист “Краткая история кураторства”.

⁸⁴ Обрист, Hans-Ulrich: «The hang of it — museum director Pontus Hultén — Interview», *Artforum*, No. 4, 1997.

⁸⁵ Haraldsson, Anders: «Moderna museets pionjär har avlidit», in the *Svenska Dagbladet*, October 27, 2003. (швед.)

таклифини олади, бу унинг биринчи тарихий соҳалараро лойиҳаси эди: бу ерда Хюльтен тадқиқотининг объекти машина бўлиб, у бу тадқиқотини моддий санъатда, фотография ва саноат дизайнида амалга оширади.

1973 йилда Хюльтен Стокгольмни тарк этади ва ўз фаолиятидаги энг муҳим бўлган даврга кадам қўяди. У 1977 йилда очилган Жорж Помпиду маркази – янги замонавий санъат марказининг биринчи директорига айланди ҳамда кенг кўламли кўргазмалар ўтказди, санъат тарихидаги ривожланишни таъминлаган асримизнинг маданий пойтахтини шакллантирган: “Париж – Берлин”, “Париж – Москва”, “Париж – Нью-Йорк” ва “Париж – Париж” кўргазмалари нафақат конструктивизмдан то поп-артгача бўлган санъат асарларини, балки фильмлар, плакатлар – турли типдаги ҳужжатлар ҳамда Гертруда Стайн салони каби кўргазма майдонларининг қайта қурилишларини қамраб олган⁸⁶.

Мазкур лойиҳаларнинг кўп валентлилиги ва соҳалараролиги кўргазма амалиётида парадигматик силжишни юзага келтирди ва бу каби бир қанча воқеалар рассомларнинг бир неча авлоди, кураторлар ва арт-критиклар жамоаси хотирасида сақланиб қолди. Хюльтен рассомларга содиқ ҳолда ишлашни бошлади, шунинг учун ижодкорларнинг кўплари уни катта илиқлик билан эслашади. 1980 йилда Роберт Ирвин ва Сэм Фрэнсиснинг таклифига кўра музей (LA MoCA) яратиш учун Лос-Анджелесга жўнаб кетади. Лос-Анджелесда тўрт йил ўтгач, у бир неча кўргазма ташкил этишни уйдасидан чиқди, вақтини кўп қисмини фандрайзингга бағишлаган Хюльтен Европага қайтиб келди. 1984 йилдан то 1990 йилгача у Венециядаги Палаццо Грассига раҳбарлик қилди, 1985 йилда Даниэл Бюрен, Серж Фушер ва Саркислар билан биргаликда Парижда Institut des Hautes Etudes en Arts Plastiques (Пластик санъатнинг олий тадқиқот институти)га асос солади,

⁸⁶ Pontus Hulten, 82; former MOCA head had global influence on major art venues, by Suzanne Muchnic, in The Los Angeles Times, October 31, 2006

Хюльтен сўзларига кўра – Баухауз ва Black Mountain College орасида ҳеч қандай ўртачаси бўлиши мумкин эмас⁸⁷.

1991 йилдан 1995 йилгача Хюльтен Бонндаги Бадий ва кўргазмалар залининг арт-директори ҳисобланган, ҳозирда ўзи қасамёд кўргазмасига куратор сифатида иштирок этган Базелдаги Жан Тингли музейига бошчилик қилган.

⁸⁷ Pontus Hulten, 82, Champion of Contemporary Art, Dies, by Roberta Smith, in the New York Times, October 30, 2006

III. II. Халқаро ва маҳаллий миқёсдаги кураторлик лойиҳалари

Кураторлик лойиҳаларинининг халқаро миқёсдаги йирик намоиши сифатида биенналарни эътироф этиш мумкин. Биенналарда куратор ўзининг лойиҳасини халқаро миқёсда намоиш этишида жуда кўплаб ўзига хос имкониятларини намоиш эта олади. Шуларни инобатга олган ҳолда биенналар ҳақида ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Биеннале деганда ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиладиган кўргазмалар тушунилади.

Венеция биеннаlesi. Биенналар тарихига назар солинса, дастлабки биеннале сифатида Венеция биеннаlesi тан олинади. Баддий кўргазмаларни ташкил этиш ва муаллифлик инсталляцияларини намоиш этиш фикри санъатга қизиқувчи италиян элчиси Риккардо Сельватико гоёси ҳисобланади. 1985 йилдан Венеция биеннаlesi “Халқаро баддий кўргазма” мақомига эга бўлган. Унда кўплаб замонавий санъатга қизиқувчи рассомлар, ҳайкалтарошлар ва бошқалар иштирок этиб келишган.

Биеннале туфайли дунё Пикассо ва Ренуарларни, поп-арт ва абстракт эксперционизм кабилар ҳақида билиб олган. 1964 йилда намоиш этилган Роберт Раушенбер ишларига жуда кўп туристлар ҳам қизиқиб ташриф буюра бошлаган⁸⁸. Илоҳий Маркнинг Венециянинг шер рамси биеннале учун ҳам рамз сифатида белгиланади. Бугунги кунга келиб эса, Венеция биеннаlesiда голиб бўлган иштирокчиларга шер рамзли олтин, кумуш, бронза статуэткалар тақдим этилади. Дастлабки Венеция биенналарарида 16 давлат иштирок этган бўлса, бугунги кунга келиб, ривожланиб ҳар бир иштирокчи давлат учун алоҳида павилионлар ажратилган. Мавзуга доир экспозициялар билан турли давлатлар иштирок этишлари мумкин. Венеция биеннаlesi халқаро маданият алмашинуви учун жуда қулай шарт шароитларни яратди. Унда турли мамлакатлар фикр алмашиш имкониятига эга бўлганлар. 1930 йилга келиб биеннале доирасида театр, мусиқа ва кино фестиваллари ҳам ўтказила бошланган. 1975 йилдан эса, архитектура доирасида ҳам

⁸⁸ Материалы Национальной художественной выставки в городском архиве Венеции

кўргазмалар намоиш этиб келинмоқда. 53-Венеция биенналесида шоир ва ёзувчилар ҳам иштирок эта бошлашган.

Лион биеннаlesi. Лион биеннаlesi замонавий санъат ва рақс биеннаlesi ҳисобланиб, 1991 йилдан буён ўтказилиб келинмоқда. Ушбу биенналенинг ўзига хослиги шундан иборатки, унда фақат рангтасвир санъатининг намоиши бўлибгина қолмай, рақс, театр ва мусиқа санъатларининг намоиши ҳам ўтказилади. Фотограф Спенсер Туник биенналега бошчилик қилганида у болет учун либоссиз балериналарни саҳналаштирган. Лион биеннаlesi нафақат ҳар доим ўзига хослиги билан балки, замонавий санъат тарихига янгиликлар киритиши билан ҳам ажралиб туради. Ушбу биеннале кураторларининг вазифалари нафақат кўргазмани ташкил этиш балки, иштирокчиларни саралаб олиш каби муҳим вазифаси мавжуд. Ҳар бир Лион биеннаlesi ўзи учун долзарб ва ноодатий мавзуларни танлаб олган. Мисол тариқасида 2011 йилдаги 11-Лион биеннаlesi “Дахшатли гўзаллик ҳам тугилади” (Страшная красота рождается) деб номланиб унда 78 дан ортиқ ижодкорлар иштирок этишган⁸⁹.

Истанбул Биеннаlesi. “Халқаро Истанбул биеннаlesi – замонавий санъат кўргазмаси бўлиб, ҳар икки йилда бир маротаба Истанбул шаҳрида 1987 йилдан буён ўтказиб келинади. У йирик 10 талик биеннале ҳамда триеннаселарнинг рейтингига киритилган халқаро кўргазмадир”⁹⁰.

Истанбул биенналесининг ўзига хос хусусияти шундаки, биеннале кўргазмаларини ўтказилиш жойи фақатгина музей ва галереяларда бўлмай, жамоат жойларига кўргазма учун макон яратилишидадир. Кейинчалик бошқа биеннаселар ҳам Истанбул биеннаlesi тажрибаларидан фойдаланганлар. Ушбу биеннале ўз таркибига кўргазмалардан ташқари, маъруза ва семинарларни, ижодий давра суҳбатларини ва кино намоишларни қамраб олган.

⁸⁹ Биенналенинг расмий сайти: <http://www.labiennaledelyon.com/>

⁹⁰ Kendzulak S. The Top International Art Biennales (Biennials) // The Balance Careers. — 2018. — 13 авг.

**Истанбул Биеннаlesi ўтказилган йиллари ва мавзулари ҳамда
рахбарлик қилган кураторлар рўйхати:⁹¹**

Йил	Рақам	Мавзу	Кураторлар
1987	I-Истанбул халқаро замонавий санъат биеннаlesi	Анъанавий макондаги замонавий санъат	Берал Мадра
1989	II-Истанбул халқаро замонавий санъат биеннаlesi	Анъанавий макондаги замонавий санъат	Берал Мадра
1992	III-Истанбул халқаро замонавий санъат биеннаlesi	Маданиятни яратишдаги хилма хиллик	Васиф Кортун (en)
1995	IV-Истанбул халқаро замонавий санъат биеннаlesi	Ориент/АЦИЯ — пародокс ҳолидаги дунёнинг санъатга кириши	Рене Блок (de)
1997	V-Истанбул халқаро замонавий санъат биеннаlesi	Ҳаётнинг гўзаллик ва бошқа қийинчиликларга ўзгариши	Роза Мартинес (en)
1999	VI-Истанбул халқаро замонавий санъат биеннаlesi	Эҳтирос ва тўлқин	Паоло Коломбо
2001	VII-Истанбул халқаро замонавий санъат биеннаlesi	Эгофуго — fuga дан Эго гача тушунчалар (Egofugal - Fugue from Ego for the Next Emergence)	Юко Хасэгава (en)
2003	VIII-Истанбул халқаро замонавий санъат биеннаlesi	Поэтик адолатллик	Дэн Кэмерон (en)
2005	IX-Истанбул халқаро замонавий санъат биеннаlesi	Истамбул	Чарльз Эше (en) и Васиф Кортун (en)
2007	X-Истанбул халқаро замонавий	Глобал урушлар даврида оптимизм шунчаки муҳим	Ху Ханру (en)

⁹¹ World's Top 20 Biennials, Triennials, and Miscellennials // artnet News. — 2019 y.

Йил	Рақам	Мавзу	Кураторлар
	санъат биеннаlesi	эмас балки жуда ҳам зарур	
2009	XI-Истанбул халқаро замонавий санъат биеннаlesi	Инсоният ҳаётда нимани ушлаб туради	What, How & for Whom? — кураторлик жамоаси
2011	XII-Истанбул биеннаlesi	Мавзусиз	Адриано Педроса и Йенс Хоффманн (en)
2013	XIII-Истанбул биеннаlesi	Онажон мен варварманми?	Фулия Эрдемчи
2015	XIV-Истанбул биеннаlesi	Шўр сув: фикрлаш назарияси	Каролин Христов- Бакарджиев
2017	XV-Истанбул биеннаlesi	Яхши кўшни	Эльмгрен и Драгсет
2019	XVI-Истанбул биеннаlesi	Мавзу ҳали эълон қилинмаган	Николя Буррио

Тошкент Халқаро замонавий санъат биеннаlesi. Ўзбекистонда биринчи маротаба Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Тошкентда йирик “Биеннале-2001” Халқаро бадиий кўргазмаси ташкил этилган. Кўргазма “Санъат – инсонпарварлик ва бунёдкорлик тимсоли” шиорида санъат асарлари намойиш этилган. Ушбу халқаро миқёсдаги кўргазмада 20 та мамлакат ижодкор вакиллари иштирок этишган.

2001 йил 2 октябрда, Тошкентнинг Марказий кўргазмалар залида бўлиб ўтган Биенналенинг очилиш маросими жуда тан танали тарзда ташкил этилган. “Биеннале-2001” давомида қуйидаги Халқаро ҳакамлар хайъати иш олиб борган : хайъат раиси - Арно д’Отеривс (Франция), Франция нафис Академиясининг доимий котиби, Раис котиби - Акбар Ҳакимов (Ўзбекистон) Ўзбекистон Бадиий Академиясининг фахрий аъзоси, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Бош илмий котиби, Санъатшунослик институти директори, Хайъат аъзолари – Масут Фаткулин (Россия) Рассомлар уюшмалари Халқаро конфедерацияси ижроия қўмитаси раиси, Аҳмад Абдулкарим (Миср) –

Хелуван университети профессор, Франц Фрай (Швейцария) – санъатшунос танқидчи.

Кўргазманинг бош соврини Гран-прини Жамол Усмонов ўзининг “Сароб” номли инсталляцияси учун кўлга киритган. Ушбу Биеннали нафакат халқаро миқёсдаги рассом ва ижодкорларни жамлаш балки, Ўзбекистоннинг бадиий жараёнини боришида ҳам катта имкониятлар яратиб берган. Айнан шу даврдан замонавий санъатга қизиқувчи ижодкорлар салмоғи ортиб бораётган даврда ушбу Биеннале Ўзбекистонда ижод эркинлигини учун шарт-шароитлар мавжудлигига ёрқин мисол бўла олган.

Биеннале ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазаларини мақоласи орқали ёритиб ўтган санъатшунос Н.Аҳмедова шундай ёзади: “Ғарбда эндиликда санъат маълум бир миллатни англатувчи қобик сифатидаги тарихий ролини ўтаб бўлди ёки уни рад этди, дейилмоқда. Шунинг учун жаҳон санъатида ҳозир минтақалар доирасида маданий яхлитлашув намоён бўлмоқда”. Европа мамлакатларида умуминсоний гоёлар намоёйиши кенг авж олди. Эндиликда миллий мактаблар муаммоларни олға суриш, у ёки бу маҳаллий маданий хусусиятларни илоҳийлаштиришга интилиш бирмунча эскириб, у жаҳон бадиий жараёнининг асосий йўналишига ҳалақит бераётган унсурга айланмоқда. Ҳозирги маданиятшуносликда келажакни миллий мактаблар эмас. Балки рассомнинг ижодий ўзига ҳослиги белгилайди, деган фараз кенг ёйилган.⁹²

“Биеннале-2001” орқали Ўзбекистондаги бадиий жараённинг қай тарзда кечаётганини ҳам таҳлил этиш мумкин. Постмодерн XX асрда европача бадиий андозага мослашиш йўлини босиб ўтган. Шарқ мамлакатларида эса, модернизм ва постмодернизм биргаликда давом этиб келмоқда. Айнан шу ҳолатни, Корея, Ҳиндистон, Туркия, Миср каби мамлакатлар ижодкорларининг асарларида яққол сезилиб туради. Ушбу ижодкорлар XX асрнинг кубизм, экспрессионизм, неопримитивизм, абстракционизм, объект, фотоарт каби турли услубий йўналишда анчайин

⁹² Н.Аҳмедова. “Давр ва рассом”. Санъат журнали. 2001 йил 3-сон. 34-37 б.

ижод қилиб, бу каби услубларни ўзлариники каби қабул қилиш даражасига кўтарила олганликларини намоён этганлар. Яъни улар ўзларининг маданиятлари анъаналаридан узоқлашмаган ҳолда, ҳамда миллий анъаналарга хос жиҳатларни ҳам бўғтирмаган ҳолда ижод қилиш имкониятида бўлганлар.

Бироқ, Ўрта Осиё бадиий жараёнида постмодерн авангарддан кейин эмас, балки соцреализм ва модерн руҳидаги миллий услубнинг турли шаклларидадан кейин вужудга келган. Биенналенинг асосий концепцияси Ўрта Осиё тасвирий санъати эндиликда шўро даврига хос иллатлардан ҳолос бўлганини кўрсатиш бўлган. Ўрта Осиё тасвирий санъатида кейинги пайтда этномаданий анъаналар ва XX асрдаги барча бадиий тажрибаларни ўзлаштириш, “Ғарб-Шарқ” янги маданиятнинг илгор жиҳатларидан таъсирланиш асосида ривожланаётганини кўрсатиб берилган.

С.Алибеков, Ф.Аҳмадалиев, Б.Жалол, Л.Ибрагимов, А.Нур, Г.Қодиров, Ж.Умарбеков каби ўзбек рассомларининг кўргазмага қўйилган асарларида шу хусусиятлар сезилганини алоҳида таъкидлаб ўтилган. Уларнинг ижодларида ҳам миллийликнинг сақлаб қолганлик ва ғарб услублари билан уйғунлашган асарлари намоёиш этилган.

Санъатшунос Нигора Аҳмедова “Биеннали 2001” ҳақида, “Умуман, биеннале жаҳон санъатида ривожланиб бораётган энг муҳим тамойилларни намоёиш этди. Унда авангард йўналишидаги рассомлар ўз маданияти доирасида туриб, ўзига хос ижодий изланишлар қилаётгани яна бир бор кўринди. Санъатда ҳозирги пайтда ҳам ўз ижодий “мен” ини кўрсатишга интилиш асосий тамойил бўлиб қолмоқда.”⁹³ – деб ўзининг фикр мулоҳазаларини билдирган.

“Биеннале-2001” Тошкент Халқаро бадиий кўргазмаси Халқаро хайъати аъзоси Акбар Ҳакимов, “Кўргазмага қўйилган асарлар мавзуси қандай?” деган саволга қуйидагича жавоб берган. “Мен аввало шуни таъкидлашни истардимки, халқаро кўргазмани ташкил этишдан мақсад, ўзбек

⁹³ Н.Аҳмедова. “Давр ва рассом”. Санъат журнали. 2001 йил 3-сон. 34-37 б.

миллий тасвирий санъатнинг энг яхши намуналарни кенг тарғиб қилиш, халқимизни, иқтидорли ёш ижодкорларни жаҳон тасвирий санъатининг илгор йўналишлари билан яқиндан таништириш, шунингдек, Ўзбекистон Бадий Академиясининг турли мамлакатлар тасвирий санъати вакиллари билан халқаро алоқаларини кенгайтириш кабилардан иборатдир. Шунинг учун ҳам кўргазмада намоиш этилаётган асарларнинг мавзуси кенг. Уларнинг ичида анъанавий тасвирий санъат намуналари. Графика, замонавий ҳайкалтарошлик (концептуал, авангард) асарлари намоиш этилмоқда.”⁹⁴

2003 йил октябрида Тошкентда иккинчи маротаба “Тошкент Биеннале-2003” бўлиб ўтган. Мазкур йирик бадий анжуманда дунёнинг 21 мамлакатидан 58 иштирокчи қатнашган бўлиб, Халқаро танлов ҳайъати таркибига қуйидагилар иштирок этишган: раис - доктор Андре Наков (Франция), таниқли санъатшунос-танқидчи, Лорето Чичеро (Италия) - Academia di Belle arti Aldo Galli профессори, Франс Фрай (Швейцария) - санъатшунос танқидчи, Хан Хен Сам (Корея) - Замонавий бадий санъат уюшмаси раиси, Масут Фаткулин (Россия) – Халқаро *рассомлар уюшмаси конфедерацияси (ХРУК)* ижроия қумитаси раиси, Жавлон Умарбеков (Ўзбекистон) – Ўзбекистон Бадий Академияси академиги, Ўзбекистон халқ *рассоми*.

“Биеннале-2003” нинг “Гран при” совринини Қирғизистонлик *рассом* Улан Жапаров қўлга киритган. *Биринчи мукофот* - *миллий маданий анъаналарни янгича талқин қилгани учун Сергей Алибеков (Ўзбекистон)*, иккинчи мукофот - бадий гоёларни ифодалашга янгича ёндошганлиги учун Мухаммад Али Махмуд Носир (Миср Араб Республикаси) га топширилган. Биенналенинг директори ва раҳбари, санъатшунослик фанлари доктори Нигора Ахмедова “Биеннале-2003” ҳақида қуйидаги фикрларини билдирган. “Кўргазма раҳбари сифатида таъкидлашни истардимки, ушбу анжумандан мақсад аввало Тошкентда замонавий санъат тамойилларини кўрсатишдир.

⁹⁴ “Биеннале-2001” кўргазмаси қатнашчилари билан суҳбат. Санъат журнали. 2001 йил 3-сон. 40-41 б.

Чунки Ўзбекистан рассомлари ижодида ҳам замонавий санъат тамойиллари мавжуд. Албатта, биламиз, бизнинг Биеннале, хали жуда ёш. Биз унга “contemporary art” юлдузларини таклиф этолмаймиз. Шундай бўлсада, ушбу кўргазма даражаси биринчи биенналега қиёслаганда анча юкори. Бу фақат иштирокчилар жугрофияси кенгайганлиги билан боглик эмас. Энди иштирокчилар таркиби ҳам бирмунча ўзгарган. Масалан, Буюк Британиядан келган Стенли Чарльз Вентворд - машхур поп артист, машхур Венеция, Роттердам биенналелари ипггирокчиси. Мисрлик Мумад Али Махмуд Носир, Даниядан келган Анна Гиерага, козогистонлик Саид Атабеков ҳам катор халқаро кўргазмаларда юксак эътибор қозонган. Шунингдек, Ахмад Ахат, Жамол Усмонов, Елена Камбина каби қатнашчиларнинг такдим этган лойиҳалари ҳам, назаримда, жуда қизиқарли. Улар янги технологияларга янгича шаклларга асосланган. Видео-санъат ишлари ҳам мазкур биенналеда илк бор намоиш этилмокда. Бу ўзига хос янгиликдир. Ўзбекистонда эндиликда бу йуналишдаги ишларни ҳам ривожлантириши лозим. Айни чоғда, биеннале шуни кўрсатадики, бизда видеосанъатни намоиш этиш борасида тажриба ҳам, техникавий база ҳам йук. Шунинг учун бу борада жиддий иш олиб бориш зарур. Бошқа биенналеларда, жумладан, мен катнашган саккизинчи Истамбуд биенналесида видеосанъат ишлаб чиқариши ва уни намоиш қилиниши учун зарур қимматбаго ускуналар учун жуда катта маблаг сарфланишининг шоҳиди бўлдим⁹⁵.

Тошкент биенналесининг йилдан йилга имкониятлари кенгайиб, Ўзбекистоннинг бидий жараёнига катта ўзгаришлар олиб киргани, замонавий йўналишларда ҳам ижод этувчи рассомларимизни юзага чиқариш билан биргаликда, Ўзбекистонга жаҳоннинг бошқа мамлакатлари санъатини ҳам олиб кириш ва тажриба алмашишга ўзининг катта хиссасини қўшган.

Биеннале халқаро ҳайати раиси, санъатшунослик доктори, санъат танқидчиси Наков Андрей фикрига кўра, айнан маданияти хорижликлар эътиборидан четда қолиб келаётган кўпгина мамлакатлар байналминал

⁹⁵ Санъат журнали 1/2004. 11-16 б.

кўргазмалар ўтказиб туриши, ва шу оркали аста-секинлик билан қобикдан чиқиб олишга, ўз санъатини бутун дунёга маълум қилишга эришиши ҳақида айтиб ўтган. Шу тариқа, анъанавий санъат марказлари бир-бирига таъсир кўрсатиши, турли мамлакатлар ўртасида бадиий мулоқотлар юзага келиши мумкинлиги ва санъатнинг ривожланиш жараёни юз беришини билдирган.

Тошкентда 2005 йилнинг 1 - 5 октябрь кунлари III замонавий Тошкент биеннаlesi бўлиб ўтган. Биеннале-2001, 2003 йиллардаги каби кўпгина хорижий ижодкорлар, яъни дунёнинг 26 мамлакатидан 75 рассом иштирок иштирок этган. Унда инсталляция, видео-лойиха, рангтасвир, графика сингари санъат турлари намоиш этилган. Хайъат таркиби: раис - таниқли санъатшунос, доктор Андре Наков (Франция), аъзолар: Мухсин Аттйа (Миср), Хан Хен Сан (Корея), Рассомлар уюшмалари халқаро конфедерацияси (РУХК) ижроия кўмитаси раиси Махсуд Фаткулин (Россия), Паулос Полис (Греция), санъатшунослик доктори, академик Акбар Ҳакимов ва санъатшунослик доктори Нигора Ахмедова (Ўзбекистон) каби таниқли мутахассислардан таркиб топган. Кўргазма “Гран-при”сига Аумад Надалиён Али (Эрон) сазовор бўлган. Биринчи ўрин Вячеслав Усеинов (Ўзбекистон)га, иккинчи ўрин - Чанг Кил Хван (Корея)га берилган.

Франциялик санъатшунос, халқаро жюри раиси Андре Наков биеннале ҳақида қуйидагича фикр билдирган. “Тошкент биенналесига учинчи марта иштирок этишим. Мен бу биеннале ижобий томонга қараб ўзгараётганлигини таъкидламоқчиман. Аввалги кўргазмалар ва ҳозиргиси бир-биридан фарқ қилади. Шуниси қувонарлики, кўргазмада турли йўналиш ва услублардаги асарлар тақдим этилган. Видеоасарларнинг кўплиги ушбу биенналенинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолди. Бу ҳам ҳудудда тез ривожланаётган бадиий жараённинг ёрқин кўрсаткичи ҳисобланади. Икки йил илгари мен рассомларга бу санъат турига эътибор қаратишни тавсия қилган эдим. Мана, менинг истакларим амалга ошиб турибди. Видеоасарлар билан шугулланаётган рассомлар учун биеннале доирасида германиялик

Коринна Шнитт ташкил этган мастер-класс қизикарли бўлди, деб уйлайман”⁹⁶.

III-Тошкент Халқаро Биенналеда биринчи ўринни эгаллаган, Ўзбекистонлик rassom Вячеслав Усеинов ўзининг “Константа” номли композициясини намойиш этган. Унда анъанавий рангтасвир ва инсталляцияни мувофиқлаштиришга ҳаракат қилган. “Константа” инсталляцияси қорайган гугурт чўпларидан катта спирал шаклида ясалган. Бу асар Тошкентда Швейцария ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигининг молиявий кўмагида бўлиб ўтган кўргазмада ҳам намойиш этилган бўлиб, биенналеда rassom 11 йил давомида ишланган “Бир картина тарихидан” рангтасвир асари билан бойитган. Инсталляция ва рангтасвир ҳар бири ўзича мустақил соҳа ҳисоблансада бироқ замонавий санъатда мувофиқлаштиришга имкониятлар берилган. Куёшли куннинг ажойиб жилваларини акс эттирувчи манзараларнинг нозик тасвири ва спирал композициянинг алдовчанлиги хиссиётларга тўла фон яратишга қаратилган. Бу эса ҳар қандай ижодий жараённинг асосий мақсади тариқасида талқин этилган.

Бугунги кунга келиб таниқли куратор сифатида ўзини кўплаб лойиҳаларини тақдим этган Россиялик куратор, санъат-танқидчиси Виктор Мизианонинг ҳам III-Тошкент Халқаро Биенналесида меҳмон сифатида иштирок этгани ва ўзининг тажрибаларидан келиб чиқиб, фикрларини билдирганининг ўзи аҳамиятлидир. Виктор Мизиано қуйидагича фикрларини билдирган: “Барчамиз Тошкент биенналеси ўз қиёфасига эга бўлаётганлигига шохидмиз. Агар бирор-бир тадбир учинчи марта ўтказилаётган экан, демак, у маълум мавқега эга. Албатта, Истанбул, Лион сингари шаҳарларда бўлиб ўтган обрўли халқаро форумлар даражасидаги мулоқот ҳали бу ерда йук. Негаки, Тошкент биенналеси ҳозирча шаклланиш йўлида. Лекин унда олга қараб силжиш бор. Тошкент биенналеси маҳаллий воқеа эмас, балки халқаро аҳамиятга эга тадбир мақомига эришаётганлигида бу силжишни кўриш мумкин. Бу унга бўлган қизиқишни янада ошириб бормокда. Масалан,

⁹⁶ Э.Валиева. “Ғарб асотирлари ва Шарқ ривоятлари”. Санъат журнали. 3-4/2005. 25-32 б.

Америкада маҳаллий аҳамиятга молик машҳур Whitney биеннаlesi ўтказилади. Тошкентдагида эса, кўплаб мамлакатлардан рассомлар иштирок этганлиги сабабли, у халқаро кўргазма мақомида тасаввур қилинмоқда. Шунга қарамай, Тошкент биеннаlesi асосини ушбу шарқ ҳудудида жойлашган Эрон, Озарбойжон, Қирғизистон, Тошкент, Қозогистон каби давлатлар рассомларининг ишлари ташкил этди. Бу мамлакатлар ҳали обрўли халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этганларича йук, Тошкент биеннаlesiда уларнинг қатнашиши ҳам унга ўзгача рух берган. Албатта, Тошкент биеннаlesiда Америка, Барбий Европа, Польша, Германия, Испания каби давлатлар иштирок этаётганлиги табиий. Лекин айнан шарқ давлатларининг жалб қилингани унга бўлган қизиқишни ошириб юборди. Тошкент биеннаlesi мавқеини ундаги иштирокчилар таркиби ҳам кўрсатади. Биенналенинг келажаги ташкилотчилар уни қайси томонга йўналтиришига боғлиқ. Бу масала жуда жиддий. Гап шундаки, ҳозир дунёда биеннале ўтказишнинг турли усуллари бор. Масалан, Венеция биеннаlesiда бош лойиҳа турли миллат вакиллари мулоқоти асосига кўрилади.

Истамбулда биенналени бир киши тайёрлайди. Хар гал у янгитдан тайинланади ва бу киши мавзуни ва навбатдаги биеннале хусусиятини белгилайди. Амстердамдаги махсус кўмита ташкил этадиган машҳур “Манифеста” биеннаlesi хар гал турли шаҳарларда ўтказилади. Кўринадики, биеннале ўтказишнинг турли усуллари мавжуд. Шунга қура, Тошкент биеннаlesi ҳам ўз хусусиятларини ишлаб чиқиши керак. У ҳудудий ва халқаро жиҳатлар асосига қуриладими, унинг учун иштирокчиларни бирлаштирувчи маълум бир мавзу шартми ёки йўқми - буни вақт кўрсатади. Биенналенинг ўзига ҳослиги фақат унинг геосиёсий жиҳатларидагина эмас, балки энг муҳими, ўз моделини ишлаб чиқишда эканлигини таъкидлашим лозим. Россияда мана шу мавзуда анжуманлар, мулоҳазалар ўтказилади. Бадиий ҳаёт билан боғлиқ муаммолар муайян ҳудуд доирасида чегараланмаган. Яна бир муҳим нарсани таъкидлашни хоҳлардим: биеннале иши кўргазмалар орасидаги икки йиллик муддат билан чегараланиб

колмаслиги керак. Иш жараёни давомли бўлиши лозим. Кўргазмалар икки йилда бир мартагина ўтказилиши унчалик тугри эмас. Менинг назаримда долзарб бўлиб турган муаммо ва масалаларни айтиб ўтмоқчиман. Улардан биринчиси, кургазмалар оралигида биеннале ишини олиб бориш шартми ёки йукми, деган масаладир. Биеннале ўтказиш учун албатта битта куратор бўлиши зарур ёки хар бир анжуманда у алмаштириб турилиши керак. Кўргазма бир ўзак мавзу асосида ташкил этилса, маъкул бўларди. Умуман, Тошкент биенналесеси бадийи ҳаётда кейинги йилларда эришилган жиддий муваффиқият бўлди. У халқаро мавкеини сақлаб қолди. Энди уни бутун дунё учун ўзига хос ва қизиқарли ташкил этиш ҳақида ўйлаш керак”⁹⁷.

Барча биеннале давлат томонидан қўллаб-қувватлаб ўтказилаётганлиги, шу боисдан бу санъат тадбирининг бадийи-эстетик аҳамиятидан ташқари, муҳим маданий-сиёсий вазифалари ҳам борлигини ёдда тутишимиз лозим. Илғор замонавий тамойиллар, айрим гаройиб лойиҳаларнинг ҳамда ташкилотчилар ташаббусларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлабланиши мамлакатда санъат ва маданият ривожига алоҳида эътибор берилаётганлигини аңлатади. Айниқса, биеннале замонавий санъатни ўз ичига қамраб олган бўлиб, уни ҳали кўпчилик қабул қилмаган. Биеннале ўтказиш учун давлат бюджетидан анчагина маблағ ажратилади.

Тошкент биенналесининг олдидаги вазифалари табиийки, хар сафар анжуманнинг юксак савияда бўлишини таъминлаш, иштирокчилар сафини кенгайтириш ва энг муҳими, кўргазма савиясини кўтариш зарур бўлади.

2005 йилги Тошкент Халқаро Биенналесида 70 дан ортиқ иштирокчи ўз асарларини намойиш этган. Ушбу биеннале ҳақида Н.Раҳимовна қуйидагича фикрларини билдирган: “Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўргазма учинчи марта ўтказилган экан, демак, унинг ўзига хос тамойиллари ва йуналишлари мавжуд. Ўтказилган барча биеннале кўйидаги асосий вазифаларни бажарди. Тошкент биенналесини ташкил этишда биз ўз ички имкониятларимиз ҳамда ташки талабларни ҳисобга олдик. Энг аввало, биз

⁹⁷ Э.Валиева. “Ғарб асотирлари ва Шарқ ривоятлари”. Санъат журнали. 3-4/2005. 25-32 б.

ташки тамойилларни эътиборга олиб рассомларимиз эътиборини ушаларга йуналтиришимиз зарур эди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро лойиҳалари интеграциялашувига имкон беради ва ташкилотчиларнинг эътиборини жалб этади. Кўпгина рассомларимизнинг шитоб билан ўзгараётган вазиятга эътибор бермаётгани, янгиликлардан орқада қолаётгани, изланмаётгани барчамизга маълум. Таниқди француз танқидчиси А. Наков таъкидлаганидек, “бу янги дунё ўзининг янгича тасаввурлар оламини яратмокдаки, уни тарихий усул билан акс эттириб бўлмайди”. Афсуски, айрим рассомлар картина яратишда муайян пайтда ўзига ҳос усул топиб, шу билан чегараланиб ўз-ўзини такрорлашдан нари ўтишмайди. Биеннале тижорат мақсадини кўзламайди. Лекин бу анжуман дадил изланишларга туртки беради, ижодкорларга ўз иқтидорини намоён этиш учун имконият яратади. Шу боисдан биз долзарб санъат, янги технологиялар билан боғлиқ лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш йулидан бордик. Ўз видеоасарларида Эрон анъанавий мифоэпик тасаввурлари асосида долзарб экологик муаммоларни акс эттирган эронлик рассом Ахмад Али Надалиён учинчи Тошкент биенналесига Гран-при мукофоти билан тақдирлангани бежиз эмас”⁹⁸.

“Ғарб асотирлари ва Шарқ ривоятлари” номли умумий мавзуда ўтказилган ушбу биенналега рассомлар учун мавзу олдиндан эълон қилинган. Жамланган асарлар орасида айнан мана ўу биннале учун ишланган асарлар ҳам мавжуд. Жуда кенг қамровни қамраб олган бундай мавзу кўпчиликнинг диққатини тортган. Зеро, қадимги санъат ҳам, замонавий санъат ҳам тўлалигича асотирларга асосланган. Уларнинг барчасини ўз тарихи, образлар дунёси, асотирлари бор. Ғарб санъати асотирлардан кечишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, лекин бир асотирни рад қилиш бошқасини келтириб чиқаради. Масалан, юнонистонлик рассом Катарина Барамбути кўрғазма учун маҳсус перформанс ишлаган. Афинанинг сайёҳларга кўрсатилмайдиган қисмларини тасвирга олган Манти Альба (Юнонистон)нинг фотоасарларида музей шаҳарнинг асотирга ҳос бўлмаган

⁹⁸ Э.Валиева. “Ғарб асотирлари ва Шарқ ривоятлари”. Санъат журнали. 3-4/2005. 25-32 б.

манзарасини акс эттирган. Чанг Кил Хваннинг “Тарих девори” лойихасида тарихдаги буюк шахслар хақидаги асотириларни бўрттиришга қарши ҳаракат сезилади. Биенналенинг ҳамкор ташкилотчиси, франциялик таниқли тадқиқотчи ва танқидчи Андрэ Наков кўргазмага катта ёрдам кўрсатган. У америкалик рассом Элен Дрисколь асарларини олиб келган, халқаро жюрига бошчилик қилган. Муҳими, у биеннале ва рассомларимизнинг имкониятларига ижобий баҳо берган. Унинг фикрича, рассомларимиз замонавий санъатда ўз ўринларини топиб келишмоқда.

Санъатшунос Н.Аҳмедова Андре Наков хақида шундай дейди: “Унинг яна бир хайрихоҳлигини айтиш зарур. 2005 йил 5 октябрь Париждаги Жорж Помпиду марказида “Дадаизм” кўргазмаси бўлиб ўтиши керак эди. Аммо Наков бу кўргазманинг ташкилотчиси ва каталог муаллифи бўла туриб, Ўзбекистон биенналесини қўллаш учун юртимизга келди”⁹⁹.

2007 йилнинг 2-9 октябрь кунлари ўтказилган IV-Халқаро замонавий санъат биеннаlesi «Замонавий санъатда New: афсона ва ҳақиқат» мавзусида ташкил этилган бўлиб, биринчи маротаба Тошкентнинг барча кўргазма залларини ўз ичига қамраб олган ва жаҳоннинг 33 мамлакатидан 150 дан ортиқ ижодкорлар иштирок этишган.

Тошкентда ўтказилган дастлабки уч биеннале ўзининг тарихий вазифасини бажарган. Улар инновация йуналиши сифатида Ўзбекистон замонавий санъатидаги contemporary art ривожланишига йул очган, ҳам масофа ва ҳам ижодий дунёқараш маъносидаги бадиий тафаккурнинг чегараларини кенгайтиришда муҳим рол ўйнаган. IV-Халқаро замонавий санъат биенналесининг асосий мақсади сифатида “Янги йуналишлар, янги номлар, янгича муаллифлик лойиҳалари, янги асарлар, қотиб қолган тасаввурларга янгича назар солишга асосий эътибор қаратилиб, аввалги айнан бир хилдаги рассомларнинг иштирокига чек қуйилди. Замонавий

⁹⁹ Э.Валиева. “Ғарб асотирилари ва Шарқ ривоятлари”. Санъат журнали. 3-4/2005. 25-32 б.

иждий жараёндаги афсона ва ҳақиқатии кўрсатиш учун уни кенгрок, камраб олишга ҳаракат қилинди.¹⁰⁰

IV-Халқаро замонавий санъат биенналесиди Павлос Константинос Политис (Греция), Галина Бригер (Германия), Денизхан Озер (Туркия, Буюк Британия), Шалва Хаханашвили (Франция), Хан Хен Сам (Корея Республикаси) сингари хорижий ташкилотчилар ва лойиҳа муаллифлари жалб этилган.

Ушбу биенналеда марказий кўргазма зали экспозицияси кўчаданок бошланган. Бу ҳам биенналенинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисоблаиғаи. “Интерфаол ёндашув, шаҳар муҳитига чиқиш, кенг жамоатчилик эътиборини тортиш кабиларнинг барчаси замонавий санат ифодаси бўлиб қолди. Экспозиция исроиллик рассом Дафна Ялоннинг «Хона» номли яширин оқ куби билан очилди. У нимаси биландир Яқии Шарқ худудининг архитектура тузилиши шаклини эслатиб, ўзининг антиқалиги билан ҳайратта солди. Рассом лойиҳаси инсталляция, видеоарт ва перформанс хусусиятларини акс эттирди. Рассом оёқланг челак билан юриб, ўз “Хона”сини лой билан чаплаб, бегаб чиқди. Кечки пайтлари бу хона турли ранглардаги мушаклар билан жилолавланиб, томшабинлар эътиборини тортди. Рассом ушбу ишида, Ер шаридаги инсон ва заминнинг ўзаро алоқасини шу тарзда талқии этди. Бу хусусда у шундай дейди: “Инсоният бу оқ маконга кираётиб, чуқурдан тупрок, олиб, ернинг тубини «очади». Ерни ҳис қилиш, у билан яшаш, ижод қилиш зарур. Шундагина бу хом табиий манба ўзини кўрсатади, маконни ўзгартиради, уни безайди. Ерни планета ва ашё сифатида севинг”.¹⁰¹

V-Тошкент Халқаро замонавий санъат биенналесиди 2009 йилнинг 15 - 22 октябрь кунлари бўлиб ўтган. Биенналенинг асосий мақсади ҳақида санъатшунос А.Ҳақимов шундай фикрларини билдиради: “Пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилеи нишонланаётган ушбу йилда биеннален

¹⁰⁰ “Замонавий санъатда New: афсона ва ҳақиқат”. Санъат журнвали. 3-4/2007 йил. 10-15 б.

¹⁰¹ “Замонавий санъатда New: афсона ва ҳақиқат”. Санъат журнвали. 3-4/2007 йил. 10-15 б.

урбанизмнинг антропологик ва маданий-фалсафий муаммоларига багишлашга қарор қилинди. Бу кўргазманинг «Шаҳар фалсафаси: антропологик ландшафт» шиорида ҳам ўз аксини топган. Бу муҳим гоё урбанизм соҳаси ҳамда замонавий цивилизациянинг долзарб муаммолари билан боғлиқдир. Тошкент биенналесини ташкилотчилари нуқтаи назарига кўра санъатда урбанизм муаммоси катта шаҳар муҳити, шаҳарда кишилар ҳаёти динамикасини акс эттириши билан эътиборлидир. Эндиликда Шарқда ҳам Ғарбда ҳам санъатда замонавий шаҳар аҳолисининг фалсафаси, дунёқараши ва ахлоқий жиҳатларини ифодалаш бош мақсад бўлиб қолди.»¹⁰²

V-Тошкент Халқаро замонавий санъат биенналесининг якуний натижалари ҳақида санъатшунос А.Ҳакимов ўундай дейди: “Биеннале-2009 Ўзбекистон нафакат маданий мероси, балки замонавий санъати билан ҳам жаҳон эътиборини тортаётганини кўрсатди. Биеннале иши доирасида хорижий рассомлар, санъатшунослар ўз тажрибалари билан ўртоқлашиб, ҳамкорликдаги бўлажак лойиҳаларни муҳокама қилишди. Жумладан, 2010 йилда Тошкентда рассомларнинг халқаро форумини ўтказиш мўлжалланди. Келгуси йил бошида Ўзбекистон, ЖАР, Франция, Испания, Голландия, Россия ва Германия санъатшунослари ва рассомлари томонидан унинг концепцияси шакллантирилади. Шундай қилиб, V Тошкент Халқаро биенналесини жаҳон замонавий санъатидаги янги тамойилларни намоёниш этиб, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар рассомларининг самарали ҳамкорлиги учун кенг имкониятлар очди»¹⁰³.

Хулоса. Ушбу боб орқали жаҳонга машҳур кураторларнинг фаоллиги ўрганилган. Жаҳон кураторларининг тажрибаларини ўрганиш орқали Ўзбекистон бадиий жараёнида ёш кураторларга асосий манбаа сифатида хизмат қилади. Кураторлик лойиҳалари тарихини ўрганиш орқали янги

¹⁰² А.Ҳакимов. “V-Тошкент Халқаро биенналесини: якунлар ва натижалар”. Санъат журнали. 4/2009 йил 29-33 б.

¹⁰³ А.Ҳакимов. “V-Тошкент Халқаро биенналесини: якунлар ва натижалар”. Санъат журнали. 4/2009 йил 29-33 б.

гояларни ўйлаш ва камчиликларни таҳлил қилиш орқали тажрибалар ортириш мумкин. Кураторлик фаолияти тарихини ўрганишда машхур кураторларни кўргазмаларни ташкил этишга бўлган фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш, уларнинг ташкил этган кўргазмаларини кузатиш орқали ўрганилиши хусусида маълумотлар ушбу боб орқали бериб ўтилган. Кўргазмаларни янги хусусиятлар билан ташкил этиш, томошабинларни кўргазмага жалб этиш, кўргазмани белгиланган гоя асосида яратишга катта аҳамият берилиши лозимлиги ушбу боб орқали хулоса келиб чиққadi.

Кураторлик лойиҳаларини ўрганиш учун халқаро биеннаселар хақида ўрганилиб чиқилди. Бунда Венеция, Истанбул, Лион ҳамда Тошкент халқаро биеннаселари ўрганиб чиқилди.

ХУЛОСА

Диссертация бугунги Ўзбекистон бадиий жараёни учун жуда муҳим ва долзарб масаласи хусусида ёзилган. Сўнги вақтлардаги кўрғазмаларнинг бир биридан фарқ қилмаслиги томошабинларни зериктирган ҳолат. Кўрзагманинг очилиш қисми ва асарларни шунчаки томошабинга намоиш этиш учун деворларга илиб чиқиш кўрғазмага қизиқувчилар сонини камайтириб юборишига асосий сабаб бўлади. Ҳар бир кўрғазмани ўзига хос ташкил этиш ва асарларни янги бир услуб орқали, гоёга асосланган ҳолда намоиш этиш кураторнинг асосий вазифаси саналади. Кураторлик амалиёти хорижда кенг тарқалган ва ўзининг кўп йиллик тажрибасига эга. Бирок Ўзбекистон бадиий жараёнида эса, бу янгилик саналиб, кураторлик фаолияти ҳали ўзининг шакл-шамойилига эга бўлиб улгургани йўқ. Шу нуқтаи назардан, кураторлик фаолиятини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб чиқиш ва уни тадбиқ этиш масаласи ушбу магистрлик диссертация ишида кўриб чиқилган. Унга кўра, уч боб ва олти параграфдан иборат режа асосида ёзилган.

Магистрлик диссертациясининг I боби, “Кўрғазма тушунчаси ва уни ташкил этишдаги ҳуқуқий асослар” деб номланиб, унда асосий мақсад сифатида кўрғазмаларни ташкил қилишда риоя этилиши лозим бўлган ҳуқуқий асослар кўриб чиқилган. Шунингдек, халқаро кўрғазмаларнинг пайдо бўлиш тарихи билан боғланган ҳолда кенг қамровда ўрганилган. Кураторлар фаолиятини ўрганишдан аввал кўрғазма турлари ва унинг тарихи ҳақида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлганлиги сабабли кўрғазма турлари ўрганиб чиқилган. Кўрғазма турларини ўрганиб чиқишнинг энг асосий жиҳати шундан иборатки, кураторларнинг кўрғазма ташкил қилишда янги гоёлар устида ишлашлари учун кўрғазма турларини яхши билишлари ва катта маълумотлар манбаайига эга бўлишлари лозим. Шу мақсаддан келиб чиқиб ушбу бобга кўрғазма ҳақида маълумотлар жамланган. Халқаро миқёсдаги кўрғазмаларни ташкил этишнинг асосий мақсади иқтисодиётни ривожлантиришдан келиб чиқиб, илк халқаро кўрғазмалар айнан савдо-

сотикни ривожу учун хизмат қилиб ЭКСПО кўргазмалари шаклланигани ҳамда халқаро кўргазмаларни ташкил қилишдаги ҳуқуқий асосларни айланиш боб орқали кўриб чиқиш мумкин.

II боб “Кўргазма ўтказиш жойи ва кураторлик фаолияти” деб номланиб, унда бадиий макон ҳақидаги таниқли санъатшунос олимларининг фикр мулоҳазалари берилган. Бадиий макон кўргазма ташкил этиш учун энг муҳим хусусият ҳисоблангани боис турли кўринишларда ўрганиб чиқилган. Бадиий макон кўргазмани ташкил этиш жойи бўлиб, куратор кўргазманинг гоёсини айлани макондан бевосита фойдаланган ҳолда ёритиб беради. Бунинг учун маконни кўргазма гоёсига мослаш, қулай шароит яратиш ва турли кўмакчи воситалар орқали концепцияни томошабинга етказиб бериши лозим. Бадиий макон борасидаги фикрлар хилма хиллигини ўрганиш ва тажриба натижасида ўзининг мустақил фикрига эга бўлиши кураторнинг энг катта ютуқларидан бири ҳисобланади. Айлани шу мақсадни кўзлаган ҳолда ушбу бобда макон тушунчаси кенг қамровда ўрганилган. Бадиий маконни ўрганиш орқали кураторларнинг навбатдаги вазифалари ҳам кенлиб чиқади. Шу сабабдан, ушбу бобда куратор тушунчаси ва кураторлик фаолияти вазифалари ўрганилган. Ҳар бир куратор тажриба эгаллагунига қадар, таниқли кураторларнинг лойиҳаларини ўрганиб чиқиши ва кураторлик фаолияти вазифаларини тушуниб етмоғи лозим. Бу орқали ташкил этилажак кураторлик лойиҳаларидаги айрим юзага келиши мумкин бўлган “кўпол” хатоликлар бартараф этилган бўлар эди. Шунинг ҳисобга олган ҳолда иккинчи бобнинг иккинчи мавзусини айлани кураторлар учун жаҳон тажрибалари асосида яратилган вазифалар кўриб чиқилган.

Жаҳондаги таниқли кураторларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш мақсадида, III боб “Кураторлик лойиҳаларини тадқиқ этиш масалалари” деб номланган. Ушбу бобда XX асрнинг таниқли кураторлари фаолияти ўрганилган. Жумладан, Александр Дорнер (1893-1957), Альфред Барр (1902-1981), Пегги Гуггенхайм (1898-1979), Харальд Зеeman (1933 – 2005), Понтюс Хюльтен (1924-2006) кабиларнинг куратор фаолиятлари ўрганиб

чиқилан. Бу ижодкорлар кураторлик фаолиятини тамал тошларини яратган бўлиб, ўзларининг илгор фикрлари орқали бадий жараёндаги кураторларнинг алоҳида ўрнини яратиб берганлар. Кураторлар бугунги кунда жаҳон санъатида алоҳида ҳамда муҳим ўринни эгаллаган. Айниқса, халқаро замонавий санъат кўргазмаларида йирик кураторлик лойиҳаларини кузатишимиз мумкин бўлганлиги сабабли Венеция, Истанбул, Лион ва Тошкент замонавий санъат биеннаселари ўрганиб чиқилди. Бунинг натижасида, ҳали ёш ҳисоблансада, Тошкент халқаро замонавий санъат биеннализининг эришган ютуқлари ва хорижий биеннаселардан ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлар ўрганилиб таҳлил қилиб чиқилди.

Магистрлик диссертация ишини ўрганиб, тадқиқ этиш натижасида қуйидаги *таклифларни* билдириш мумкин:

- Бугунги кунда ташкил этилаётган кўргамалар учун кураторлик лойиҳаси талабларини кучайтириш ва камчиликларни бартараф этиш;
- Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ташкил этилаётган барча кўргазмаларга кураторларни бириктириш ва рассом ҳамда куратор тандемини яратиш;
- Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасида кураторлар шўъбасини ташкил этиш;
- Кураторлар малакасини ошириш мақсадида ёш кураторларни хориждаги кураторлик курсларига ўқитиш учун юбориш;
- Хориждаги халқаро миқёсдаги кўргазмаларни кузатиб, тажриба ортириш учун ёш кураторларга хизмат сафарлари ташкил этиш;
- Кураторлик фаолиятини алоҳида фан сифатида ўрганиш ва тадбиқ этиш;
- Давлат таъсаруфидаги кўргазма залларининг белгиланган мавзу доирасида кураторлик лойиҳалари танловини ташкил этиш;
- Мамлакатимизда ташкил этилаётган кўргазмаларнинг нафақат намойишга тақдим этилган асарларни муҳокамасини, балки

кўргазманинг ташкилий жиҳатлари юзасидан ҳам танқидик фикр мулоҳазаларни юритиш;

- Кураторлик лойиҳаларини музейлар доирасида ҳам кенг тарғиб этиш мақсадида, куратор ва музейлар ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- Халқаро миқёсдаги кураторлик лойиҳаларидан бири ҳисобланмиш Тошкент Халқаро замонавий санъат биеннаlesi учун кураторларни катта танлов асосида белгилаш;

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. О.Б.Краснова. “Энциклопедия искусства XX века”. Москва. 2002 г.
2. Хокинс, Джойс М. “The Oxford Dictionary of the English Language”. 2007
3. К.Б.Соколов, Николай Хренов, Ю.В.Осокин. “Введение в социологию искусства”.
4. О.А.Кривцун “Психология искусства”.
5. Пол О’Нил “Культура кураторства и кураторство культур(ы)”.
6. Терри Смит “Осмысляя современное кураторство”.
7. Т.Е.Шехтер “Искусство как образ мира: Избранные работы по теории и истории искусства”
8. Роза Мартинес, Фулия Эрдемчи, Рене Блок “Биеннальное движение: Стамбул и новые географические перспективы».
9. Виктор Мизано “Пять лекций о кураторстве”.
10. Борис Гройс “Утопия и обмен”.
11. 1980 йил юридик-журналист талабаси Ги Дарменинг замонавий рақс марказининг ташкил этиши гоёси асосида биеннале ташкил қилинган.
12. Галкина Т.В. Музееведение: основы создания экспозиции. - Томск, 2004, 6-стр.
13. Парижская Конвенция 1928 года о международных выставках. ЮНЕСКО.// Конвенция о международных выставках. Собрание законов и распоряжений рабоче-крестьянского правительство СССР, отд. 2, 1936, № 16.-151
14. Протокол, вносящий изменения в Конвенцию о международных выставках, подписанную в Париже 22 ноября 1928 г.от 30 ноября 1972
15. Н.Ахмедова. “Давр ва рассом”. Санъат журнали. 3/2001 йил. 34-39 б.
16. “Биеннале-2001” кўргазмаси катнашчилари билан суҳбат. Санъат журнали. 2001 йил 3-сон. 40-41 б.
17. Пропозиции теории изобразительного искусства [Текст] : учебное пособие / Владимир Жуковский, Наталья Копцева. - Красноярск : КГУ, 2004.

18. Б. Л. Губман. Культурология. XX век. Энциклопедия. 1998.
19. Бэлл Д. Грядущее постиндустриальное общество. М.: Академия, 1999.
20. Борис Гройс. Видео лекций: Курс лекций Бориса Гройса "Искусство в 21-ом веке. От объекта к событию".
21. Гегел, Георг Вильгельм Фридрих. Наука логики [Текст] : [В 3 томах]. - Москва : Мысль, 1971 - . - (Философское наследие). Т. 2 : [Учение о сущности]. - , 1971. - 248 с.
22. Гоговкова, Мария Игоревна Кто задает тон в актуальном искусстве? [Текст] : монография / М. И. Головкова ; М-во образования и науки Российской Федерации, ФГАОУ ВПО "Российский гос. проф.-пед. ун-т" Екатеринбург : РГППУ, 2012
23. Гройс Б. Художник как куратор плохого искусства // Гройс Б. Искусство утопии. М.: Художественный журнал, 2003.
24. Гуревич, П. С. Культурология [Текст] : элементарный курс : [учебное пособие] / П. С. Гуревич. - Москва : Гардарики, 2004. - 335 с.
25. Гуренко Е.Г. Проблемы художественной интерпретации /Е.Г. Гуренко. - Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1982.
26. Даль, Владимир Иванович. Толковый словарь живого великорусского языка [Текст] : избранное / В. И. Даль; [сост. Л. В. Беловинский]. - Москва : ОЛМА-ПРЕСС Образование, 2004. - 949, [1] с.
27. Данто Артур Аналитическая философия истории / Артур С. Данто; Под ред. Л. Б. Макеевой; Пер. с англ. А. Л. Никифорова и О. В. Гавришиной М. : Идея-Пресс, 2002
28. Дукельский В.Ю. Культурный проект: от замысла к реализации // Музей будущего. Информационный менеджмент. М.: Прогресс-Традиция. 2001.
29. Елина Е. А. Произведение изобразительного искусства как текст/ Е. А. Елина//Язык, сознание, коммуникация: Сб. статей /Отв. ред. В. В. Красных, А. И. Изотов. - М.: МАКС Пресс, 2003. - Вып. 25. - с.102-108
30. Жуковский В.И. Чувственное явление сущности: визуальное

- мышление и логические основания языка изобразительного искусства: автореф. дис. д-ра филос. наук : 09.00.01 - диалект. и ист. материализм / В. И. Жуковский; М-во высш. и сред. спец. образования РСФСР, Урал. гос. унт. - Свердловск: УГУ, 1990. - 43 с.
31. Зедльмайр Х. Искусство и истина. М.: Искусствознание, 1999. С. 18
32. Художественная энциклопедия зарубежного классического искусства: энциклопедия. - Москва : Коминфо, 2001.
33. Избранные труды по теории искусства / В.В. Кандинский. - Москва : Гилея, 2001.
34. Искусство как потребность : анализ проблемы с точки зрения концепции Целостности : [монография] / А. В. Свешников. - Москва : Логос, 2011.
35. Кирсанова Н.Н. Знаковые аспекты искусства и художественного восприятия. Дис. . канд. философ, наук. Свердловск, 1982.
36. Культурология. XX век. Энциклопедия. 1998. Б. Л. Губман Кураторство и художественный проект в системе современного искусства: историко-теоретический анализ : автореферат дис. ... кандидата искусствоведения : 17.00.04 / Дёмина Дарья Викторовна; Барнаул, 2012
37. Кураторство в современной художественной практике : автореферат дис. кандидата искусствоведения : 17.00.09 / Прилашкевич Елена Евгеньевна; Санкт-Петербург, 2009
38. Лефевр А. Введение в эстетику [Текст] / А. Лефевр ; пер. с фр. М. Н. Грецкого ; ред., предисл. З. В. Смирновой. - Москва : Иностранная литература, 1954. – 117.
39. Мэри Энн Станишевски In the power of display: A History of Exhibition Installations at the Museum of modern art (1998)
40. Обрист, Ханс Ульрих. Краткая история кураторства [Текст] / Ханс Ульрих Обрист; [пер. с англ. Анны Зайцевой ; авт. предисл.: Кристоф Шери ; авт. послесл.: Даниэль Бирнбаум]. - Москва : Ад Маргинем Пресс,

2012.


41. Перрен Ф. Экономия выставки // Terra Incognita: Теория и практика выставочного дела. 1995. № 3-4.
42. Пол О'Нил. Культура кураторства и кураторство культур(ы). - Москва: Ад Маргинем Пресс, 2015.-212с.:ил.
43. Попова А.Ю. Социальная эффективность выставочной деятельности. Социокультурные конфликты и процессы в современном информационном обществе. Сборник статей аспирантов в 2-х частях, 4.2, Материалы международной научной конференции «Ломоносов-2002».
44. “Постмодернизм” Кевин Харт ; [пер. с англ. К. Ткаченко]. - Москва : Фаир-Пресс, 2006. - 261, [2] с.
45. Пропозиции теории изобразительного искусства [Текст] : учебное пособие / Владимир Жуковский, Наталья Копцева. - Красноярск : КГУ, 2004.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР


1. <http://www.oxforddictionaries.com/ru>
2. <http://xz.gif.ru/numbers/73-74/lazareva/>
3. <http://xz.gif.ru/numbers/55/13/>
4. <http://www.manifestajournal.org/>
5. <http://www.artbook.com/>
6. <http://artguide.com/posts/806>
7. <https://www.hermitagemuseum.org/wps/portal/hermitage/whats-on/temp exh/2016/kandinsky/?lng=ru>
8. <http://afisha.ngs24.ru/event/900803/7/>
<http://aroundart.ru/2015/06/23/venetsianskaya-biennale-2015/>

Венеция биеннале.






Лион биеннаlesi





Истанбул биеннаlesi





Тошкент Халқаро замонавий санъат биеннаlesi

